ВАТАНИМИЗ ГУЛЛАБ-ЯШНАШИ УЧУН, КОММУНИЗМ УЧУН!

ТОШКЕНТЛИКЛАР КОММУНИСТЛАР ВА ПАРТИЯСИЗЛАР БЛОКИНИНГ НОМЗОДЛАРИ УЧУН ЯКДИЛЛИК БИЛАН ОВОЗ БЕРДИЛАР

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 46 (4145).
25 ФЕВРАЛЬ, 1980 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Собир Раҳимов райони

ҚУВОНЧЛИ ЎЗГАРИШЛАР

Район аҳолиси ҳар қандай байрамни меҳнат ютуқлари, янгиликлар билан нишонлайди. Айниқса сайловлар куни олдинги йилларда қўлга киритилган ютуқлар ва қувончли ўзгаришлар кўзга яққол ташланиб туради. Олдинги сайловдан ўтган вақт мобайнида районда жуда катта ўзгаришлар бўлдики, у қайтадан ёшармоқда. Студентлар шаҳарчасида, ТошДУ ва ТошПИ микрорайонларида, Қорақамиш массивида кўплаб бинолар бунёд этилди. Шунингдек ўнлаб саноат ва маданий-маиший объектлар, мактаблар, шифохоналар, болалар боғчалари, ётоқхоналар ва бошқа бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ана шу янги қурилишлардан бири —15-ўрта мактаб биносига 37/8-сайлов участкаси жойлашган. Бу ерда сайлов катта тантанага айланиб кетди. Сайловчилар ўз номзодлари — 37-Қорақамиш сайлов округидан республика Олий Советига депутатликка номзод — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раиси В. О. Козимов, 272-сайлов округидан шаҳар Советига депутатликка номзод Тошкент шаҳридаги барча турдаги пассажир транспорти ишларини ривожлантириш ва координациялаш бошқармаси бошлиғи С. Р. Раҳмонов, Собир Раҳимов район Советига номзоди кўрсатилган агрегат заводи ишчиси М. А. Тошпўлатова ва бошқалар учун якдиллик билан овоз бердилар.

— Ҳали туш бўлмасданоқ сайлов участкасининг 90 процентдан кўпроқ сайловчилари ўз гражданлик бурчларини адо этдилар,— дейди сайлов участкаси раиси, мактаб директори Т. Ж. Исмоилова. Районда сайлов катта уюшқоқлик билан ўтди.

Ҳамза райони

ТАНТАНАЛИ КУН

Ҳамза районидаги 145-мактабга жойлашган 1-сайлов участкасига меҳнат ветеранлари, ёшлар, пенсионерлар, уй бекалари келишди. Биринчи бўлиб овоз бераётганлар орасида Гражданлар ва Улуғ Ватан уруши ветерани Шавкат Галиевич Галиакберов ҳам бор эди.

— Менинг ҳаёт йўлим Ўзбекистон билан боғланган. Ҳозирги сайловлар СССР янги Конституцияси кучга кирган муҳим даврда ўтяпти. Коммунистлар ва партиясизлар блоки учун овоз беришга биринчилар қатори келишимнинг боиси, партия сиёсатига бўлган ташаккуримни билдириш ва СССР Конституциясида кўрсатилган овоз бериш ҳуқуқимни адо этишдир. Кейинги йилларда районимиз таниб бўлмас даражада ўзгарди— янги уйлар, массивлар, илмий тадқиқот, маданият муассасалари қурияпти.

Сайловчиларнинг кўплаб наказлари бажарилди.

— Мен Жуковский кўчасининг қайта қурилиши ва янгиланиши, чиройли магистралга айланганлигининг гувоҳи бўлдим,— деди Ленин ордени кавалери У. Тоиров.

Ш. Галиакберов билан биргаликда сайлов қутилари ёнига П. Белоглазова, А. Воронина ва ТошДУ доценти Х. Ерзин ва бошқа сайловчилар келишди. Х. Ерзин дунёдаги бирор мамлакатда ёшларга уларнинг олий ва ўрта ўқув юртларида таълим олишларига бизнинг мамлакатимиздагидек эътибор берилмаслигини таъкидлади. ТошДУ, ТошМИ, халқ хўжалиги институтининг ўқув корпуслари қад кўтаряпти. Буларнинг ҳаммаси ветеранлар билан бир қаторда овоз бераётган ёшлар учундир.

Сайловлар куни бу ерда 1150 сайловчи— 50 миллат вакили овоз берди.

Ленин райони

НАКАЗЛАР— АМАЛДА

Сайлов куни эрта тонгдан биз «Средазтрансстрой» трести 209-қурилиш бошқармаси бетончилар бригадаси бошлиғи Валентина Крилловна Андреева билан 2-Сарикўл кўчасидаги 175-мактаб биносига жойлашган 25-сайлов участкасининг агитпунктида учрашдик,

Бугун сайловчилар ўз гражданлик бурчларини адо этар эканлар, халқ депутатлари район Совети депутатлигига номзодлар учун ҳам овоз берадилар. Шунинг учун ҳам бугунги кун В. Андреевага икки томонлама қувончли.

— Мен район Советига биринчи бор депутат бўлиб сайланаётганим йўқ, — дейди Валентина Андреевна. — Ҳар бир сайлов—бу, бизнинг депутатлик ишларимизнинг якуни ҳисобланади. Менинг номзодимни депутатликка кўрсатган бошқармамиз коллективининг ишончини оқлашим керак, энг муҳими эса — сайловчиларга амалий ёрдам кўрсатишим, катта жамоатчилик ва ташкилотчилик ишларини олиб боришим керак. Булар — масъулиятли, шу билан бирга шарафли вазифалардир.

— Сиз ва бригадангиз коллективи республика Олий Советига ва маҳаллий Советларга сайловларни қандай кутиб олдингиз?

— Бу шонли санага бригадамиз ўз зиммасига оширилган социалистик мажбурият қабул қилган эди, уни 24 февралгача муваффақиятли адо этди.

209-қурилиш бошқармасининг бошқа бригадалари билан биргаликда Октябрь революцияси номли тепловоз ремонти заводи ишчи ва хизматчилари учун қурилаётган 90 квартирали уйни бунёд этишда қатнашдик. Бу уй сайловлар кунига муддатидан илгари фойдаланишга топширилди. Бунда бизнинг бетончилар бригадасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Бир вақтнинг ўзида Сергелида янги автомат телефон станцияси қурмоқдамиз. Аввалги куни 58-АТСда умумқурилиш ишларини бажариб, пардозчиларга топширдик.

— Валентина Крилловна, Сиз сайлов арафасида сайловчилардан қандай наказлар олдингиз?

— Катта депутатлик ишларини амалга ошириш керак. Районда ҳамма нарса ҳам қувонарли даражада эмас. Масалан, сайловчилар район озиқ-овқат савдоси иши тўғрисида ҳақли эътироз билдиришмоқда. Кўчалар, майдонларни ободонлаштириш, уй-жой фондини сақлаш учун кўпгина ишлар қилишга тўғри келади. Бракка йўл қўювчи қурувчилардан қаттиқ талаб қиламиз. Районда, айниқса янги массивларда савдо ва маиший хизмат объектлари етишмайди.

Булар ҳали сайловчилар берган наказларнинг ҳаммаси эмас. Энг муҳими—халқнинг юксак ишончини оқлаш учун билим, тажриба ва куч-ғайратни аямаслик керак.

В. ЭНКЕР.

Чилонзор райони

ТИНЧЛИК БЎЛСИН ДЕБ

Чилонзор районидаги 200-ўрта мактабга жойлашган сайлов участкаси хонасига кириб келган «Москва» колхозининг колхозчиси Олим Нишонов «Хайрли тонг, доброе утро», — дея хурсанд ҳолда ҳамма билан сўрашди. У билан бирга рафиқаси Раҳбар опа, ўғиллари Одил, Обид, Омил ва келини Матлубалар бор эди.

Сайлов участкаси комиссияси раиси Р. Раҳмонбердиев педагогика институти студенти 18 ёшли Омилни биринчи марта маҳаллий Советларга бўлаётган сайловда қатнашаётганлиги учун табриклаб, оиланинг ҳар бир аъзосига сайлов бюллетенини топширди.

Сайлов участкасидаги кишиларнинг кайфиятлари чоғ, хурсанд эдилар.

...Чилонзор районининг 2 мингдан ортиқ меҳнаткаши партиясизлар ва коммунистлар блоки кандидатлари: Тошкент метро қурилиши трести бошқарувчиси П. Семенов, 2-пойафзал фабрикаси тикувчи-мотористкаси Раиса Чумбоева, машинасозлик заводи слесари И. Карасев, 12-қурилиш трести бригадири Т. Самиғов, шофёр А. Улуғхўжаев ва бошқалар учун овоз бердилар.

Йилдан-йилга Чилонзор ободонлашиб боряпти. Фақат кейинги маҳаллий Советларга бўлган сайловдан ҳозирги сайловгача турар жой массивида кўплаб оилалар ҳар томонлама қулай бўлган уйларга кўчишиб, уй тўйларини нишонладилар. Тиш даволаш поликлиникаси, иккита мактаб, мактабгача ёшдаги болалар муассасаси, метро, «Тошкент» автомобиль вокзали, барча маркадаги машиналарга техника хизмати кўрсатиш станцияси қурилди. Сайлов арафасида янги универсам магазини очилди. Буларнинг ҳаммаси сайловчиларнинг наказлари бўйича депутатлар иштирокида амалга оширилди.

— Биз шунга тўла ишонамизки, кеча кимга овоз берган бўлсак, у келгусида тинчликни мустаҳкамлаш ишида актив иштирок этади, — дейди 195-мактаб ўқитувчиси В. Титухина. — Мен ўғиллар тарбиялаяпман. Мен ва мен каби юзлаб оналар ўз ўғилларини келажак равнақи учун тинчлик пайтда армия сафида хизмат қилишларини истайдилар.

В. ЛАПИНА.

Киров райони

КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТ БИЛАН

Кейинги йилларда пойтахтимизнинг Юнусобод массивида «Шодлик», Аҳмад Дониш, СБ—4, СВ—5 каби кўплаб янги микрорайонлар қад кўтарди. Савдо ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари ишга туширилиб, янги кўчалар ва хиёбонлар вужудга келтирилди. Буларнинг ҳаммаси партия ва ҳукуматимизнинг совет кишилари турмуш фаровонлигини ошириш учун кўрсатаётган ғамхўрлигининг яққол намунасидир.

Юнусободнинг В—4 микрорайонида жойлашган 27-сайлов участкасига ҳам массив аҳолиси кўтаринки кайфият билан коммунистлар ва партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз бергани келишяпти.

— Мен биринчилардан бўлиб овоз бераётганимдан жуда хурсандман, — дейди партия ва меҳнат ветерани Михаил Александрович Андрюшин, —Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши, тинчлик ва социализм иши тантана қилиши учун овоз бераётганлигим учун ҳам ўз ҳуқуқимни катта қониқиш билан бажармоқдаман.

Юнусобод массивида яқинда фойдаланишга топширилган тўққиз қаватли уйга кўчиб ўтиб, биринчи марта бу ердан овоз бераётган Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, «Минмясомолпром»нинг контроль-ревизия бўлими бошлиғи Суюнбека Абдураҳмоновна Воҳидова ҳам халқимизнинг муносиб фарзандлари учун овоз бераётгандан мамнун эканлигини изҳор этди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловлар катта активлик билан ўтди. Участка сайлов комиссиясининг секретари Д. Г. Башированинг бизга хабар беришича, шу куни тушга яқин сайловчиларнинг деярли ҳаммаси ўзларининг фахрли бурчларини адо этдилар.

СУРАТДА: райондаги 43-сайлов участкасида.

Октябрь райони

ФАН РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

Кеча республика қишлоқ хўжалик министрлиги биносига жойлашган 1-сайлов участкасига овоз бергани келган сайловчилар орасида ишчи ва хизматчилар, студентлар ва олимлар, пионерлар ва Улуғ Ватан уруши ветеранлари бор эди.

Улар коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун, Ватанимизни КПСС XXV съезди қарорларида белгилаб берилган тинчлик ва тараққиёт йўлидан олиб борувчи кишилар учун ўз овозларини бергани сайлов қутилари ёнига бирин-кетин келиб туришибди.

— Ўктам Орипович, —дея мурожаат қилдик Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Тошкент Давлат медицина институти ректори Ориповга. У сайлов участкасига оиласи билан келган эди. — Олдинги сайловдан бу сайловгача ўтган давр ТошМИ коллективига нимаси билан характерли.

— Бу даврда кўпгина яхши воқеалар бўлиб ўтди. Аввало, Ўрта Осиёдаги энг кекса медицина олий ўқув юртларидан бири бўлган ТошМИнинг ўқув-моддий базаси бирмунча мустаҳкамланди. Ўтган тўрт йил мобайнида кардиология, хирургия, болалар даволаниш корпуслари қад ростлади, булар ҳозирги замон ускуналари билан жиҳозланган, 5 минг студентга мўлжалланган ётоқхона қурилди, 1200 дан кўпроқ ходимлар Медиклар шаҳарчасида қурилган янги обод уйларга кўчиб ўтишди.

Партия ва ҳукуматимизнинг ана шу ғамхўрлигига жавобан коллективимиз врач кадрлар тайёрлашнинг сифат ва самарадорлиги йўлида ўз масъулиятларини янада оширдилар, медицина фанини янада ривожлантиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Масалан, буйрак трансплантацияси кафедрасида янги батриден деб аталган препарат қўллаб кўрилди ва соғлиқни сақлашда ишлатишга тавсия этилди. Бу препарат мамлакатимизнинг, шунингдек социалистик ҳамкор мамлакатларнинг етакчи олимлари томонидан яхши баҳоланди. Айрим касалликларни даволашнинг самарали воситалари ва методларини излаш давом этмоқда. Шу билан бирга, энг муҳим вазифамиз — юқори малакали врач кадрлар тайёрлашни бир дақиқа ҳам унутганимиз йўқ. Ўтган тўрт йил мобайнида институт даргоҳидан 4600 мутахассис етишиб чиқди. Улар ҳозирги пайтда республикамиз областларида муваффақиятли иш олиб боришяпти. Ҳозир олий ўқув юрти даргоҳида 8500 йигит ва қиз билим олмоқда, жумладан 180 ўқувчи Осиё, Африка мамлакатларидан келган ёшлар бўлиб, улар медицина фанини эгаллашга ният қилишган. Коллективимиз улуғвор Советлар мамлакати учун муносиб, партия ва халққа содиқ, бизнинг анъаналаримизни давом эттиришга ҳамда медицина фанини бундан буён янада равнақ топтиришга аниқ ҳисса қўшишга қодир бўлган ўринбосарлар етишиб чиқиши учун қўлидан келган ҳамма ишни қилмоқда.

СУРАТДА: райондаги 6-сайлов участкасида овоз бериш пайти.
М. Нурдинов фотолари.

Акмал Икромов райони

КЕНЖА РАЙОНДА

Пойтахтимизнинг кенжа Акмал Икромов райони истиқбол сари дадил одимлаяпти. Район ташкил этилгандан бери бу ерда 96700 квадрат метр турар жой, маиший хизмат кўрсатиш ва маданият объектлари қурилди. 1176 ўқувчига мўлжалланган мактаб, 1220 ўринли мактабгача тарбия муассасалари барпо этилди. В-14 ва В-15 турар жой кварталларини қуриш ишлари ниҳоясига етказиляпти. Келгуси йил иккита янги кинотеатр ишга туширилади. Буларнинг барчаси район меҳнаткашларини қувонтиради. Шу боисдан ҳам Акмал Икромовликлар ўз районларининг янада равнақ топиши, бахт-саодатлари учун овоз бериш мақсадида сайлов участкаларига эрта тонгданоқ келишди.

...Чўпонотадаги молия техникуми биносига жойлашган 1-сайлов участкасидамиз. Сайлов қутиси ёнига биринчи бўлиб, меҳнат ветеранлари Усмон ота Умаров ҳамда Анна Васильевна Люзгина келишди ва халқнинг муносиб номзодлари учун овоз беришди. Кейин сайловларда биринчи марта қатнашаётган ёшлар, молия техникумининг аълочи ўқувчилари Т. Исматова ва Д. Сиддиқова овоз беришди.

Шу куни Акмал Икромов районида истиқомат қилувчи 110 минг киши сайловларда қатнашди. Улардан бир ярим минги биринчи марта овоз беришда қатнашган ёшлардир. Улар ўз номзодларига ишонч билдириб, қатор наказлар беришди. Дарҳақиқат янги сайланган депутатлар олдида катта вазифалар турибди. Районни социал-иқтисодий ривожлантириш планида саноат корхоналарини реконструкция қилиш ва янги техника билан таъминланишига катта эътибор берилган. Келгусида саноат ишлаб чиқариши ҳажми 2,5 баравар оширилади. Аҳолининг фаровонлигини оширишга алоҳида аҳамият берилади. Район территориясида ихтисослаштирилган маиший хизмат объектлари қурилади.

Куйбишев райони

Энг муносибларга

Тошкентлик тракторсозлар учун сайлов куни маданият саройи олдидаги майдонда бўлиб ўтган митингдан бошланди. Бу майдон микрорайоннинг сайлов участкаларидан бирига жойлашган эди. Ишчилар ва уларнинг оила аъзолари сайловларга тантанали суратда, баланд руҳ билан келишган.

— Биз совет кишилари тўғрисидаги ғамхўрлиги учун партия ва ҳукуматимиздан чексиз миннатдормиз, —деди митингни очган, сайлов комиссияси раиси Ю. И. Червяков.— Тракторсозларда ўртоқ Л. И. Брежневнинг Москва Бауман округи сайловчилари ҳузурида сўзлаган нутқи чуқур таассурот қолдирди. Биз совет кишилари тўғрисидаги ғамхўрликнинг бу янги кўринишига беш йиллик вахтасида янги муваффақиятлар, зарбдор меҳнат билан жавоб берамиз.

Тракторсозларнинг турар жой массиви йилдан-йилга чирой очиб боряпти. Беш йиллик бошидан буён 700 га яқин ишчилар оиласи янги уйларга кўчиб киришди. Трактор заводи ишчилари коллектив эришаётган меҳнат муваффақиятлари ҳақида ҳам фахрланиб гапирдилар.

Эрталаб соат 6. Маданият саройининг эшиклари очилади. Агитпунктда дастлабки сайловчиларни оркестр садолари билан кутиб оладилар. Улар орасида партия ва меҳнат ветеранлари, беш йиллик зарбдорлари бор. Корхонанинг кекса коммунисти, 82 ёшли П. Я. Белоедев заводнинг машҳур кишилари — пармаловчи А. В. Федюшина, созловчи М. Туропов, токарь Л. И. Дубинина, темирчи Г. Бакиновский ва бошқа кўплаб кишилар депутатликка номзодлар учун биринчи бўлиб овоз берадилар. Меҳнат ҳаётини эндигина бошлаган ёшлар ҳам кўп эди. Уларнинг кўплари сайловларда биринчи марта иштирок этишяпти. Шунинг учун ҳам ҳаяжонланишяпти. Уларни ветеранлар табриклашади, она-Ватанимизнинг бахт-саодати учун янги меҳнат зафарлари тилашади.

Куни бўйи агитпунктда музика садолари янграб турди. Партиямизни, совет Конституциясини, меҳнат кишисини шарафловчи куй ва қўшиқлар янгради. Шу куни сайлов участкасида 2,5 минг сайловчи ҳозир бўлди. Улар коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блоки номзодлари, кўп минг кишилик ишчилар коллективининг энг яхши вакиллари учун якдиллик билан овоз бердилар.

Сергели райони

ЗАРБДОР МЕҲНАТ БИЛАН ЖАВОБ БЕРАМИЗ

40-шаҳар ҳунар-техника билим юртининг тўрт қаватли биноси байрамлардагидек турли шиорлар билан безатилган. 9-сайлов участкаси ана шу бинога жойлашган. Бу янги сайлов участкаси. Олдинги сайловда бу бино ҳам, у жойлашган Сергели-2 микрорайони ҳам йўқ эди.

Эрталаб соат 6.00. Сайлов қутиси ёнига биринчи сайловчилар келишди. Булар орасида Гулчеҳра Раҳимова ҳам бор. У биринчи бор овоз бермоқда.

— Бугунги кун мен учун ҳақиқий байрам, бу кунни мен бутун ҳаётим мобайнида ёдда сақлайман,—дейди у.— Ҳар куни бизларнинг кўз ўнгимизда олам-олам янгиликлар, ўзгаришлар бўлиб турибди. Буни ўз районимиз тимсолида яққол кўрмоқдамиз.

— Фақат мен ўқиётган билим юртинигина айтмайман, бундай бинолардан кейинги йилда юзга яқини саф тортди. Ўтган йилларда Сергели-2 ва Сергели-3 янги микрорайонлари вужудга келган.

— Сайловолди кампаниясида биз, сайловчиларга районнинг ривожланиш истиқболлари тўғрисида ҳикоя қилиб беришди. Бу истиқболлар жуда катта ва порлоқдир.

Буларнинг ҳаммаси — партия ва ҳукуматимизнинг ҳар бир совет кишиси ҳақида кўрсатаётган ғамхўрлигининг ёрқин тимсолидирки, бу ғамхўрликка жавобан аъло ўқиш ва ишлаш билан жавоб бергинг келади.

9-сайлов участкасида бўлгани каби, райондаги қолган 19 та сайлов участкасида сайловлар уюшқоқлик билан ўтди.

Фрунзе райони

«СПОРТ—МЕҲНАТГА ҲАМДАМ»

Байрамлардагидек ясанган бу оилани қўлида гул тутган ҳолда тонгда кўчада учратдик. Қурилиш материаллари комбинатининг слесари Андрей Иванович Смуглов, унинг рафиқаси—секретарь-машинистка Анастасия Гавриловна, ўғли—ўқувчи Саша сайлов қутиси ёнига биринчилар қатори келишди.

— Мен рафиқам билан бирга, — деди бизга Андрей Иванович, — коммунистлар билан партиясизларнинг бузилмас блоки номзодлари учун мамнуният билан овоз бердим. Бурчимизни ўтадик. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Улар бизнинг, халқнинг номзодлари. Улар депутатликка сайланиб, ҳаётимизни янада фаровон ва гўзаллаштириш йўлида куч-ғайратларини сарфлашларига аминмиз.

Сайлов оиламиз учун фақат байрамгина эмас, у биз босиб ўтган йўлнинг ўзига хос босқичи ҳамдир. Бу йўл қувончли. Агар оиламиз ҳақида гапирадиган бўлсак, квартира олдик, мен олий разрядли слесарь бўлдим, бунинг устига хотиним билан бирга ГТО комплекси нишонига сазовор бўлдик. Спорт билан меҳнат ёнма-ён боради, деб бежиз айтишмаган экан. Хотиним ва мен физкультура билан шуғулланганимиз учун самарали меҳнат қиляпмиз.

Оммавийлик маҳоратни оширади. Физкультурачилар сафидан спортчилар етишиб чиқди. Улар Бутуниттифоқ ва халқаро мусобақаларда районимиз шарафини актив ҳимоя қилмоқдалар. Булар—ватерполчи Э. Шагаев ва Е. Чжу, гандболчи С. Землянова, енгил атлетикачи В. Хохлов ва бошқалардир. Айниқса, биз бу йил мамлакатимиз Олимпиада терма командасига номзод бўлган Э. Шагаевга катта умид боғлаб турибмиз.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Совет — Ҳиндистон иқтисодий ҳамкорлигининг 25 йиллиги муносабати билан Бхилай металлургия заводи коллективига йўллаган табрик телеграммаси эълон қилинган. Ана шу заводнинг қурилиши мазкур ҳамкорликка асос солган эди.

● Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги хизматлари учун ҳамда туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан КПСС Марказий Комитети бўлимининг мудири Иван Дмитриевич Сербинни Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони эълон қилинган.

● «Миллионларнинг ягона иродаси»—«Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

ТОШКЕНТ-80
X
ХАЛҚАРО ТУРНИР

Марҳабо, турнир!

Эртага Тошкент шаҳри ва Тошкент областидаги энг яхши спорт базаларида футбол бўйича анъанавий X халқаро ўсмирлар турнирига старт берилади.

Бу юбилей турниридир. Шу боисдан ҳам ўтмишга назар ташлаш лозим бўлади. Халқаро турнир аввал адресини ўзгартириб турди. Ниҳоят у Тошкентда ўтказила бошлади. Кейин унинг шу ерда ўтказилиши муқим бўлиб қолди. Бундан буён ҳам шундай бўлиб қолишига ишонамиз. Тошкентликлар ўз меҳмонларини меҳмондўстлиги, хушмуомалалиги ва диққат эътибори билан ўзларига жалб қила олдилар.

Февраль ойининг охирида ва футбол мавсумининг бошланиши олдидан ўтказиладиган бу турнир ҳар бир футбол коллективи учун ўзига хос мазмунга эга. Айрим коллективлар бу турнирда ўз маҳоратларини синовдан ўтказишади. Айрим коллективлар УЕФА турнирига тайёргарликларини синаб кўришади. Қисқа қилиб айтганда бу турнир Европа ва Осиё мамлакатлари ўсмирлари учун яхши тайёргарлик мактабини ўтамоқда.

Шундай қилиб, эртага X халқаро турнирга старт берилади. Ғолибларни ва совриндорларни 23 соврин кутмоқда.

• Партия турмуши

ЛЕНИНЧА АНЪАНАГА САДОҚАТ

Пойтахтимиз саноат корхоналари ва ташкилотлари коллективлари шонли меҳнат байрами — В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бағишлаб шу йилнинг 19 апрелида коммунистик шанбалик ўтказишга қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Пойтахтимизнинг пешқадам корхоналаридан бири — лак-бўёқ заводи партия комитети секретарининг ўринбосари Любовь Павловна РАСТОРГУЕВА махсус мухбиримиз билан суҳбатда ана шу борада қандай ишлар қилинаётгани ва режалар белгилангани ҳақида ҳикоя қилиб берди.

— Корхона коммунистлари, бутун коллективи доҳий юбилейи шарафига қандай ташаббус кўрсатишяпти?

— Маълумки, шу йилнинг 19 апрелида доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш юзасидан корхонамиз коммунистлари ва коллективи янги ташаббус билан чиқди. **Бизнинг корхонамиз билан биргаликда «Таштекстильмаш», Октябрь революцияси номли тепловоз ремонти, чинни заводлари, «Октябрь 50 йиллиги» тикувчилик бирлашмаси, 11-«Висотстрой» қурилиш тресги, 3-таксопарк, 127-автомобиль корхонаси ва тепловоз депоси коллективлари ҳам ана шундай ташаббусни бошлаб беришди. Бу Тошкент шаҳар партия комитети томонидан маъқулланди.** Биз шонли санага бағишланган бу ташаббуснинг кўпчилик корхона ва ташкилотлар коллективлари қизғин қўллаб-қувватлаётганлигидан беҳад мамнунмиз.

Москваликларнинг коммунистик шанбалик ўтказиш бўйича ташаббуси ҳали янада кенг қулоч ёйишига шак-шубҳамиз йўқ. Бу ҳам меҳнат аҳлининг Коммунистик партия ва Совет давлатига, буюк Ленин ишига, она-Ватанга бўлган чексиз меҳр-муҳаббати ва садоқатининг рамзидир.

— Любовь Павловна, 19 апрель куни амалга ошириладиган тадбирлар ҳақида нималар дея оласиз?

— Коммунистик шанбалик куни корхонамиз инженер-техник ходимлари ва ишчи хизматчилари 140 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга ва уни беш йиллик фондига ўтказишга аҳд қилишди. Шу куни бу оммавий тадбирда 800 дан зиёд киши иштирок этади. Бевосита иш жойларида 450 киши меҳнат қилади. Шу куни турли ассортиментдаги 212 тонна маҳсулот тайёрланади. Фақат тежалган хом ашё, материаллар ҳисобига кўплаб маҳсулот тайёрланади. Умуман шу куни тежалган хом ашё, материал, ёнилғи ва электр энергияси билан меҳнат қилиниб, энг юксак унумдорликка эришилади, фақат аъло сифатли маҳсулотлар тайёрланади.

— Коммунист ва ишчиларнинг бу шонли анъанага муносабати қандай?

— Шуниси диққатга сазоворки, коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисида корхонада бўлиб ўтган митингда ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, ўзларининг самимий қалб сўзларини билдиришди. Улар 1980 йилда, яъни доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги нишонланадиган йилда коммунистчасига, зарбдорчасига ишлаш ташаббусига якдиллик билан қўшилдилар. Масалан, лак цехининг бошлиғи Баҳодир Мақсудов, Файзулла Усканбоев, слесарь Илҳомжон Каримжонов, аппаратчи Сергей Древв ва бошқалар шу йилнинг 22 апрель кунигача ўз зиммаларига икки беш йиллик топшириғини бажариш мажбуриятини олишди. Шанбаликнинг ҳар бир қатнашчиси шу куни иш жойидами ёки корхона ҳовлисидами, қаерда бўлмасин ўз салмоқли ҳиссасини қўшади.

— Шанбаликни муносиб кутиб олаётган энг яхши цех коллективини айтиб беролмайсизми?

— Бажонидил. Моҳир ташкилотчи, ёшларнинг ажойиб мураббийси Анатолий Артёмович Норенко бошчилик қилаётган ремонт-механика цехи коллективи ана шундай илғорлардан ҳисобланади. Улар доҳиймиз юбилейи кунигача планга қўшимча 50 та насос, 20 та агрегатни ремонтдан чиқаришга аҳд қилишди. Бу цехда ҳам Ильич туғилган кунни намунали меҳнат билан нишонлаш анъана тусига кирган.

Бу ерда ака-ука Александр ва Геннадий Семёнович Гавриловлар 20 йилдан зиёд вақтдан бери сидқидилдан меҳнат қилиб келишяпти. Бу ерда ҳар бир ишчи «Қизил шанбалик» куни меҳнатда рекорд натижага эришиш, техника ва ускуналардан самарали фойдаланиш, қўшимча резервларни ишга солиш, энг муҳими эса, хом ашё ва материалларни, электр қувватини тежаш учун астойдил интилмоқда. Коммунист А. Норенко бошчилик қилаётган бу цехнинг коммунистик меҳнат коллективи номини олгани бежиз эмас. Бу цехда бўлганидек, бутун корхонамизда ҳам қолоқ ишчи йўқ. Агар ўтган йили 45 кишига «Ўз касбининг энг яхши устаси» фахрли номи берилган бўлса, улар орасида ака-ука Александр ва Геннадий Гавриловлар, аппаратчи Т. Саидаҳмедов ва бошқалар борлигини қувонч билан таъкидлаш лозим.

Ёки Клавдия Денисова бошлиқ кенг истеъмол буюмлари цехини олиб кўрайлик. Цех коммунистлари бошчилигида бутун коллектив беш йиллик топшириғини тўрт йилу олти ойда бажариш учун курашяпти. Татьяна Хабибуллина, Валентин Котлярев сингари илғор ишчилар доҳий юбилейи шарафига беш йиллик топшириқни тўрт ярим йилда адо этиш учун шу кунларда нормани мунтазам ортиғи билан бажаришяпти.

Корхонамиз партия комитети коммунистик шанбалик ўтказиш юзасидан белгиланган комплекс тадбирларнинг бажарилишини, социалистик мусобақанинг боришини қатъий назорат остига олган. Биз илғор ишчилар тажрибасини кенг ёйишга алоҳида эътибор беряпмиз. Масалан, илгарилари социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқишда бизда бир камчилик мавжуд эди: фақат мусобақа илғорлари ютуқларини таъкидлаш билан кифояланиб, совринли ўринларни ололмаётган коллективлар иши чуқур таҳлил этилмас эди. Шунингдек, цехдаги социалистик мусобақада инженер-техник ходимларнинг иштироки ҳам ҳисобга олинмас эди. Шунинг учун ҳам бу камчиликка янги йилдан барҳам бердик. Эндиликда ҳар бир ишлаб чиқариш пешқадами, коммунист фақат ўзи меҳнатда намуна бўлибгина қолмай, ўз тажрибаларини ҳамкасбларига ўргатмоқда, уларни янги марралар сари руҳлантирмоқда.

— Тарбиявий ишларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири қандай бўляпти?

— Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш ҳаракатига актив қўшилган корхонамиз коллективи коммунистлар етакчилигида кўнгилдагидек ютуқларга эришяпти. КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори асосида изчил иш олиб боряпмиз. **Биз шуни яхши биламизки, қаерда сиёсий-тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилган бўлса, ўша ерда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифати ҳам талаблар даражасида бўлади.**

Партия ташкилоти коллектив ҳар бир аъзосининг меҳнатда ва турмушда, жамоат ҳаётида, қисқаси ҳамма жойда коммунистик меҳнат шаҳрининг муносиб аъзоси бўлишига ҳаракат қиляпмиз. Шу маънода намунали коммунистик шаҳар аҳолисининг ахлоқий принципларини кенг пропаганда қиляпмиз, ҳаётга жорий қиляпмиз. Бу борада мураббийлар совети, ёшлар ётоқхоналари совети, коммунистик меҳнат мактаблари, тартиб бузишларга қарши кураш комиссияси, ишчи йиғилишлари, коллектив ва ёшлар ўртасида катта сиёсий-тарбиявий ишлар олиб боряпти. Бунда, энг муҳими, қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини қатъий назорат қилиш зарур! Чунки ўз вақтида бажарилган ҳар қандай қарор ҳам ўзига хос тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

Ишончимиз комилки, корхона коммунистлари етакчилигида коллективимиз коммунистик шанбалик ўтказиш юзасидан ўз зиммаларига олган юксак мажбуриятларини ҳам бекамукўст адо этадилар.

Суҳбатни
Ҳ. ИКРОМОВ
олиб борди.

ЙИЛЛИК ПЛАН — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

ҲАМЗА ВА КУЙБИШЕВ РАЙОНЛАРИ МУСОБАҚАСИ

ҲАР СОҲАДА ТЕЖАМКОР БЎЛАЙЛИК

Шаҳар статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда, Ҳамза районн саноати 1980 йилнинг январь ойида маҳсулот реализация қилиш планини 102,2 процент, Куйбишев райони эса 101,4 процент адо этди; ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш нисбатан 102,1, ва 101,2 процентни, умумий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати 111,0 ва 95,8 процентни ташкил этди.

Ҳамза райони меҳнат унумдорлигини ўстириш планини 101,9 процент, Куйбишев райони эса 101,8 процент бажарди; меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 111,2 ва 96 процентни ташкил этди; шу билан бирга, Ҳамза районида ишлаб чиқаришнинг тўла ўсишига меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига эришилган бўлса, бу кўрсаткич Куйбишев районида нулни ташкил этди.

Мусобақадош районлардаги барча корхоналар асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичларидан бири бўлган — маҳсулот реализация қилиш планларини бажардилар. Бироқ, Ҳамза районидаги иккита корхона маҳсулот ишлаб чиқариш планини, бешта корхона эса меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғини бажаролмади; Куйбишев районида эса бу нисбатан биттадан корхонани ташкил этади.

Ҳамза райони саноати шу йилнинг январь ойида планга нисбатан 118,1 процент, Куйбишев райони 102,1 процент маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқарди. Маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Ҳамза районида 138,5 процент, Куйбишев районида 100,1 процент ўсди.

Ҳамза районида 25 та цех, 120 та бригада ва участка, 926 ишчи; Куйбишев районида 8 та цех, 37 та участка ва бригада, 320 ишчи ойлик планни бажаролмади.

Қурилиш-монтаж ишлари плани (марказлашган молиявий манбалар— 1979 йилда) Ҳамза районида 102 процент, Куйбишев районида эса 79 процент бажарилди. Ҳамза райони қурувчилари турар жойни фойдаланишга топшириш планини 105 процент, Куйбишев райони 101 процент адо этди.

Меҳнат коллективлари беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган социалистик мусобақа даврида электр ва иссиқлик энергияси, хом ашё ҳамда материал ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш тўғрисида мунтазам қайғурмоқдалар. Жумладан, «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари қимматли ташаббус билан чиқдилар: улар тежамкорлик режимини кучайтириш эвазига бу йил 2,2 миллион киловатт-соатдан зиёд электр энергияси (бу умумий истеъмол қилинадиган энергиянинг 3,5 процентини ташкил этади), 3,5 минг гига-калорий иссиқлик энергияси, 445 тонна шартли ёнилғи тежаб қоладилар.

Бу қимматли ташаббус мусобақадош районларнинг меҳнат коллективлари томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Фақат ўтган йилнинг ўзида Куйбишев райони корхоналари 1800 тонна металл, 10 миллион киловатт-соат электр энергияси, 3,9 минг тонна шартли ёнилғи тежаб қолдилар.

Райондаги корхоналар ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ихтирочилар ва рационализаторлар муносиб ҳисса қўшдилар. Уларнинг ишлаб чиқаришга жорий этган таклифлари моддий-техника ва меҳнат харажатларини 4,3 миллион сўмликка қисқартириш имконини берди.

Ҳамза райони коллективларининг 1976—80 йиллар учун қабул қилинган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш планларининг реализация қилиниши катта самара берди. Натижада фақат маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ва меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига район саноатида фойда 2,2 марта ўсди. Ўтган йили ишлаб чиқаришга 800 га яқин инженер-техник тадбирларни жорий этилиши 12,7 миллион сўмлик иқтисодий самара берди.

Мусобақадошларнинг шиори: кўп, сифатли, арзон маҳсулот ишлаб чиқариш — коллективлардан фақатгина меҳнат унумдорлигини ўстиришни эмас, балки сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳам талаб этади. Хўжалик фаолиятининг амалий иш натижаси кўрсатганидек, фақат ишга комплекс ёндошиш туфайли зиммадаги вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш мумкин. Сифат ва иқтисод, меҳнат унумдорлиги ва самарадорлик бир-биридан ажралмасдир.

Масалан, шундай бир кўрсаткич — ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни олайлик. Синтетик ювиш воситалари, «Госкомсельхозтехника»нинг тажриба-ремонт механика, «Узбекхлопкомаш»нинг машинасозлик заводларида, упа-элик, мебель ойналари фабрикаларида, 2-дон маҳсулотлари комбинатида, «Средазкварцсамоцвети» корхонасида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 10—30 процентга ўсди. Бунга фақат меҳнат унумдорлигини ўстириш, қувватлардан, шунингдек ички резервлардан унумли фойдаланиш эвазига эришилди.

Шунинг учун ҳам ана шу корхоналарнинг кўпчилиги, жумладан синтетик ювиш воситалари, «Узбекхлопкомаш»нинг машинасозлик заводлари, «Средазкабель» бирлашмаси, мебель ойналари, упа-элик фабрикалари, 2 ва 4-дон маҳсулотлари комбинатлари коллективларининг январь ойида пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарганликлари бежиз эмасдир.

Шу билан бирга, бир қатор коллективлар — трактор, газаппаратлари, республика озиқ-овқат саноати министрлигининг тажриба-механика, 6-темир-бетон буюмлари енгил металл конструкциялари заводлари, 2-уйсозлик, «Тошкентвино» комбинатлари йилнинг дастлабки ойи учун белгиланган мажбуриятларини бажара олмадилар.

Бир қатор корхоналарда план-топшириқларини реализация қилиш нормадан ташқари маблағларни сарф қилиш эвазига амалга оширилмоқда. Масалан, фақат ўтган йилнинг ўзида Ҳамза райони товар маҳсулот таннархини 1,1 миллион сўмликдан зиёдга қимматлаштириб юборди.

Фақат 2-уйсозлик комбинатининг ўзи 400 минг сўмлик ортиқча харажат сарфлади. Маълумки, цемент корхонада истеъмол қилинадиган асосий материал ҳисобланади. Демак, ундан технологияга биноан оқилона фойдаланиш керак. Ваҳоланки, бу ерда 419 тонна цемент турли сабабларга кўра ишдан чиқиб, ундан турар жой қурилишида фойдаланиб бўлмади. Бунинг асл сабаби шундаки, хом ашё корхонага келтирилганда комбинат мутахассислари цементнинг маркасини аниқлаш учун зарур бўлган лаборатория анализларини ўтказмадилар, шундайлигича ишлаб чиқаришда фойдаланила бошланди. Натижада улар техника қоидасини жиддий бузганликларига «ишонч» ҳосил қилдилар.

Яна шу нарса кишн эътиборини ўзига тортадики, Куйбишев районидаги бир нечта корхоналар ўз қувватларидан суст фойдаланяптилар. Бу айниқса, трактор, «Главстройиндустрия»нинг 1-экспериментал-механика заводларига «Энергостройиндустрия» бирлашмасига ва бошқа бир қатор корхоналарга тегишлидир.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш омилларидан яна бири — иш вақтидан унумли фойдаланишдир. Бироқ, районлардаги бир қатор корхоналарда прогулларга, беҳуда туриб қолиш ҳолларига йўл қўйилмоқда. Ўтган йили мана шу сабабларни бартараф этиш ҳисобига биргина Куйбишев районининг ўзида қўшимча тахминан 4,5 миллион сўм саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш мумкин бўлди.

Бунга қўшимча қилиб шуни айтиш керакки, иш вақтида кўпинча йиғилишлар, мажлислар, семинарлар, слётлар, спорт мусобақалари, бадиий ҳаваскорларнинг кўриклари ўтказиляпти. Бу ишларга барҳам бериш вақти етди. Бундай аҳволга йўл қўймаслик партия ва ҳукуматимизнинг «Халқ хўжалигида меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш ва кадрлар қўнимсизлигини камайтириш тўғрисида»ги қарорида такидлаб ўтилган.

Ҳар бир ишда тежамкор бўлиш, вақтдан ва ишлаб чиқариш воситаларидан рационал фойдаланиш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим омилидир. Бу ишни КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленуми қарорлари талабидан келиб чиқиб, ҳар куни, комплекс ҳолда ўтказиш зарур.

Беш йиллик вахтасида

ГРАФИКДАН ЎЗИБ

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг фрезерчиси Ўғал Шербоев ишлаб чиқариш графигидан икки йил ўзиб кетди. У смена топшириғини ҳар куни бир ярим баравар ошириб бажармоқда. У. Шербоев кўп йил ишлаб, меҳнат унумдорлигини оширадиган анчагина омилларни билиб олди. Фрезерчи турдош касблар — токарлик, слесарликни ўзлаштиришни асосий резерв деб ҳисоблайди. Айни шу «универсаллик» унинг иш кунини [illegible] тиғизлаштириш ва тежалган ҳар бир минутдан пландан ташқари деталлар ясаш учун фойдаланишга ёрдам бермоқда. Унинг яна бир муҳим резерви бор: у профессионал маҳоратини доимо такомиллаштириб боради, [illegible] биринчи келтиришдаёқ топшириладиган маҳсулот процентини юксак даражага етказа олди. Ясалган деталлар чизмага аниқ мос тушмагунча, у [illegible] меҳнатини тежаганига [illegible] иш вақтидан [illegible] фойдаланишдан [illegible] бўласан, дейди мастер. У ленинча зарбдор вахтада [illegible], Ильич туғилган куни ярим йиллик топшириғини бажариш билан кутиб олишга қарор қилди.

Машинасозлар социалистик мусобақасининг ташаббускорлари — темирчи Гулом Холматов, электросварщик Владимир Кравцов ва Александр Шчур ҳам шундай юксак марраларни мўлжаллаб қўйишганлар. Улар ишлаб чиқариш графигини [illegible] календарларида 1982 йил кўрсатилган. Бирлашма коллективи пешқадамлари [illegible] ойлик планни 22 апрелгача бажариш ва Ленин [illegible] шараф билан [illegible].

Сутчилик комплекси учун

Бу йил республика сутчилик комплексларига Узбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти томонидан яратилган «Рейнин — 119» [illegible] қорамоллари жўнатилади. Бундай зотли сигирлар ҳар йили беш минг килограммдан кўпроқ сут беради. [illegible]

Институт мутахассислари ҳозирги вақтда сермаҳсул қорамол зотини яратиш устида иш олиб бормоқдалар. [illegible] Бушуев [illegible]

Швицкая зотли сигирлар [illegible] алоҳида аҳамиятга эга. Бундай сигирлар [illegible] саноат комплексларида боқишга мослаштирилган. Оржоникидзе районидаги «Красный водопад» экспериментал базасида [illegible] вужудга келтирилди.

(УзТАГ).

В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университети мамлакатимиздаги энг йирик илм марказларидан биридир.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) университетнинг янги маданият саройи биноси; (пастда) шу илм даргоҳининг ўқув корпуслари акс эттирилган.

М. Нуриддинов фотолари.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Афғонистон Демократик Республикаси. Бир вақтлар Нангархар водийсини афғонистонликлар «Улим водийси» деб аташарди. Чунки бу жойда ёз вақтларида иссиқлик температураси 50 даражадан ошиб кетарди. Кенг майдонни эгаллаб ётган қўриқ ерлар Қобил дарёсидан баҳраманд бўлди. Натижада водий ўзлаштирилиб мамлакатнинг энг серҳосил ерларидан бирига айланди. Бу ерда ташкил этилаётган янгидан-янги боғларда маҳаллий кадрлар билан биргаликда Совет Иттифоқидан борган мутахассислар ҳамжиҳатлик билан иш олиб боришяпти.

СУРАТДА: Афғон боғбони Нурахмон (чапда) ва унинг Совет Иттифоқилик ҳамкасабаси Г. Д. Моисеенко қўриқ ерда ташкил этилган боғда.

ТАСС фотохроникаси.

РЕСПУБЛИКАНИНГ ЭЛЕКТРОН САНОАТИ

СОФИЯ. Болгария электрон саноати маҳсулотининг ҳажми бу йил 12 процент кўпаяди. Асосий эътибор алоқа воситалари, приборлар, уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқаришда энг кўп ишлатиладиган микроэлектроникани ривожлантиришга қаратилади.

Халқ Болгарияси ўзининг электрон саноати билан фахрланишга ҳақлидир. Республиканинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги ўрни электроникани халқ хўжалигининг энг муҳим тармоғига айлантиришга сабаб бўлди. БХР электрон ҳисоблаш марказлари учун бир қанча комплектловчи буюмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашгандир. Еттинчи беш йиллик давомида шу тармоқ маҳсулотини экспорт қилиш 2,5 баравардан зиёд кўпайтирилади.

АФҒОНИСТОН ДАЛАЛАРИДА

КОБУЛ. Афғонистонда баҳор фасли бошланди. Мамлакатнинг ҳамма вилоятларида кўкламги дала ишларига киришилди. Мингминглаб афғон деҳқонлари дон экa бошладилар.

АДР ҳукумати бу йилги экиш кампаниясига катта эътибор бермоқда. Ғалланинг серҳосил навлари афғон деҳқонлари ўртасида имтиёзли шартлар билан тарқатилмоқда. Замонавий қишлоқ хўжалиги машиналари деҳқонлар ихтиёрига берилмоқда. Деҳқонларнинг зарур химиявий ўғитлар билан таъминланиши қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишда муҳим роль ўйнайди. Химиявий ўғит ишлаб чиқарувчи ва тақсимловчи компания раҳбарлари кенгаши мажлисида бу масала қараб чиқилди. Ўғит сотиш пунктлари тузиш тўғрисида қарор чиқарилди. Компания бошқармасида ТАСС мухбирига хабар беришларича, бундай пунктлар Кобул, Пули-Хумри, Ҳирот ва Кандахорда ташкил этилди. Бундан ташқари, мамлакатнинг экиш ишлари бошланган бошқа вилоятларида 11 та махсус бошқарма тузилган бўлиб, улар жойларда аҳолини химиявий ўғит билан таъминлаб турадилар. Мамлакат раҳбар органларининг қарорига мувофиқ бу йил умуман химиявий ўғитлар нархи 30 процент камайтирилди.

Машинасозлар муваффақияти

ПХЕНЬЯН. Ҳозирги вақтда Корея машинасозлари энергетика асбоб-ускуналари ва пармалаш қурилмалари, тепловоз ва электровозлар, кўп юк кўтарадиган автомобиль ва экскаваторлар, программавий бошқариладиган кучли двигатель ва станоклар, шунингдек бошқа юзлаб янги хилдаги машина ва асбоб-усуналарни ишлаб чиқармоқдалар.

Тармоқ меҳнаткашлари шу кунларда Корея меҳнат партиясининг бўлажак VI съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақани кенгайтириб юбормоқдалар.

Экономиканинг бошқа кўпгина тармоқларида бўлгани сингари машинасозликни вужудга келтиришда ҳам корейс халқига Совет Иттифоқи, бошқа социализм мамлакатлари ёрдам берди. 1958 йилда совет илмий-техника ҳужжатлари ва технологияси асосида республикада биринчи маротаба «ГАЗ — 51» ва «Владимирец — 28» типидаги автомобиллар ва тракторлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Польша транспорт машинасозлигини, ЧССР станоксозликни йўлга қўйишда кўмаклашди.

Республика саноатининг ялпи маҳсулотида машинасозликнинг ҳиссаси мамлакат озод этилганидан кейинги биринчи йилига нисбатан ҳозир 7 баравар кўпайди ва 35 процентдан ошиб кетди.

Яқинда ўқиш бошланади

КОБУЛ. Афғонистондаги бошланғич ва ўрта мактабларда янги ўқув йилига тайёргарлик бошланди. Бир неча ҳафтадан кейин юз минглаб ўғил ва қизлар мактабларга қатнай бошлайдилар.

АДР маориф министри Анахита Ратибзод ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди:

— Афғон халқининг маданий савиясини ошириш, барча меҳнаткашларга билим олиш имкониятини яратиб бериш, ўтмишнинг оғир мероси — саводсизликни тугатиш — АДР раҳбарларининг асосий вазифаларидан биридир. Бу проблемани осонликча ҳал қилиб бўлмайди. Бир томондан, мамлакат аҳолисининг 90 процентидан кўпроғи саводсиз, иккинчи томондан. эса империализм, ички ва ташқи реакция кучлари АДРнинг ривожланиш йўлини тўсишга уринмоқдалар, аҳолини чўчитмоқдалар, мактабларни портлатмоқдалар, ўқитувчилар ва болаларни улар ўқиш ва ёзишни ўрганишни истаганликлари учунгина ўлдирмоқдалар. Бироқ, деб таъкидлади министр, мамлакат меҳнаткашлари ана шу найрангларга зарба беришга аҳд қилишган. Афғонистон территориясига юборилган империализм малайлари, бандитларнинг дўқ-пўписалари уларни қўрқита олмайди. Янги ўқув йилида биринчи марта ўқишга киришаётган ўқувчилар сони анча кўпаяди. Катта ёшдаги аҳоли ўртасида саводсизликни тугатиш курсларида ҳам тингловчилар сони ортади. Ҳар бир афғон ўқиш ва ёзишни ўрганишга интилмоқда. Ҳукумат деб таъкидлади министр, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш йўлида тўсиқ бўлган ана шу проблемани мумкин қадар тезроқ ҳал қилиш учун зарур ҳамма чораларни кўради.

ХРОНИКА, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

БЕРН. «Клублар мамлакати» деб ном чиқарган Швейцарияда яна битта клуб пайдо бўлди — яқинда Цюрих шаҳрида «Инфарктга қарши кураш клуби» очилди. Бу клубнинг аъзолари ўз олдиларига «кичик вазифа» қўйганлар— ҳеч бўлмаганда ўз ораларида инфарктни йўқотишмоқчи. Бунинг учун улар ахборот хизмати ташкил этмоқдалар, турли тушунтириш ишларини ўтказиш, лекциялар ўқиш ниятидалар. Ҳар бир киши бу клубга аъзо бўла олади.

* * *

ПАРИЖ. Австралиялик палеонтологлар қитъанинг ғарбидаги Мерчисон дарёси водийсида қадимги улкан чаённинг қотган изларини топдилар. Бу чаённинг узунлиги 2 метргача бўлган. Ҳозирги кичик чаёнга ўхшаш бу баҳайбат махлуқ ер юзида бундан 400 миллион йил аввал яшаган ва 250 миллион йил илгари қирилиб кетган.

Олимлар бу улкан чаён — эвриптерид сувдан «чиқиб» қуруқликда яшай бошлаган жониворларнинг биринчиларидан бўлган (биринчиси ҳам бўлиши мумкин), деб ҳисобламоқдалар. Эвриптерид ўша узоқ замонларда планетамизда кенг тарқалган. Унинг «излари» Норвегияда ҳам топилди, деб хабар беради, Франс Пресс агентлиги.

* * *

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон инженерлари, архитекторлари, дизайнерлари ва болалар ўйинчоқлари соҳасидаги мутахассислардан иборат комиссия ғаройиб бир шаҳар қуриш планини ишлаб чиқди. Тамилнаду штатида 7 гектар майдонда шу ғаройиб шаҳарнинг саройлари, қалъалари ва павильонлари қад кўтаради. Бу ерда «Ўрта аср Ҳиндистони» ҳам, «Европа рицарининг қасри» ҳам, Японияннинг «бир парчаси» ҳам бўлади. Томошабинлар турли мамлакатларга, турли замонларга саёҳат қила оладилар, турли халқларнинг ҳаёти билан таниша оладилар. Қўғирчоқлар музейи шаҳарнинг бир қисми бўлади.

* * *

ЛОНДОН. Британия музейининг штатлар рўйхатига олтита мушук киритилди. Мушукларнинг ўз формаси — бирдан олтигача номер ёзилган сариқ бўйинбоғлари бор. Улар музейнинг ҳамма хизматчилари сингари маош оладилар — бир йилда 50 фунт стерлинг ажратилган. Мушуклар ўзларининг асосий вазифалари — музейдаги бойликларни сичқон ва каламушлардан сақлашни унутиб қўймасликлари учун кунда хўрак олиб турмайдилар.

(ТАСС).

Шарқ юлдузи

ФЕВРАЛЬ СОНИДА

«Шарқ юлдузи» журналининг навбатдаги, иккинчи сони босмадан чиқди. У таниқли адиб, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комил Яшиннинг «Ҳамза» романи давоми билан очилади. Таниқли қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг «Эрта келган турналар», ёш ёзувчи А. Дилмуродовнинг «Сирли зина» қиссалари ҳам шу сондан ўрин олган.

Шеърият мухлислари Э. Воҳидовнинг «Руҳлар исёни» достони давоми билан ҳамда қозон шоири С. Мавленов, ёш ижодкорлар Ҳ. Қорабоева, Т. Муҳаммад, И. Санаевларнинг янги шеърлари билан танишадилар.

З. Фатхуллиннинг «Бахтнинг ҳам қаноти бор» драмаси ҳам шу сонда чоп этилган.

Журналнинг «Очерк», «Публицистика», «Танқид ва адабиётшунослик», «Тақризлар» рубрикалари остида ҳам қизиқарли материаллар берилган.

Турсун МУҲАММАД

Таъзим

ДОҲИЙ ҲАЙКАЛИ ҚОШИДА

**Биламиз ким тирик,
Кимлар ўликдир.
Барчаси аёндир
Бизга ушбу дам.
Қай чироқ равшану
Қайси сўникдир,
Ажратиб олганмиз
Эй, азиз одам!
Коммуна тонгида
Бокира дунё
Шод руҳим мисоли
Кулар дамо-дам.
Қаршимда турибсиз,
Тириксиз гўё
Асримин кузатиб
Эй, азиз одам!
Бу кун ҳар
инсоннинг
Чеҳраси ёруғ.
Партия азмидан**

**Бахти мужассам.
Ҳақиқат, бўлмағай
Биз учун дариғ,
Энди у мангудир
Эй, азиз одам!
Космос асригача**

**Қанча машаққат,
Заҳматга дош берди
Инсонлар, зотан —
Бахтини топгунча
Кундузлар—
зулмат**

**Бўлгани рост эди
Эй, азиз одам!
Тўппонча ўқига
Кўксин тутдилар,
Сўнгги қон қолгунча
Курашиб бардам;
Сизнинг
йўлингиздан
Дадил юрдилар,
Боболар шахт билан
Эй, азиз одам!
Сиз бонс—ёр бўлди
Инсонга толе,
Сиз бонс —
келажак.
Бахт, омад ҳамдам.
Коммуна пойида
Миллион асрдош
Беминнат бош эгур
Эй, азиз одам!**

Ҳалима ҚОРАБОЕВА

Қайда у яшил майса?

**Бир яхши шеър излайман,
Топмай ортар азобим.
Кўздан қочади хобим,
Қийнайди изтиробим,**

**Топмагунча тинмайман,
Бир яхши шеър излайман.
Қаерда у, дилдами?
Бепарво кўнгилдами?**

**Олис-олис йўлдами?
Топмагунча тинмайман,
Бир яхши шеър излайман.
Соғинч қийнар ҳар лаҳза,
Қайда у, яшил майса?
Ниятим тимсоли у,
Топмагунча тинмайман,
Бир яхши шеър излайман.
Қиров булут, қор булут,
Аёвсиз маккор булут,
Кўк юздан нари кет,
Топмагунча тинмайман,
Бир яхши шеър излайман.
Чексиз осмонда бўлса,
Ой-у Чўлпонда бўлса,
Ёруғ жаҳонда бўлса,
Топмагунча тинмайман,
Бир яхши шеър излайман.**

ЭРТА КЕЛГАН ТУРНАЛАР

(ҚИССАДАН ПАРЧА)

Чингиз АЙТМАТОВ

— Султонмурот, сенга нима бўлди? — Инкамол опа парта олдига келди. Султонмурот шундагина уни пайқади.

— Ўзим, ҳеч нарса. — Гўё ўзини оқламоқчидай ўрнидан турди. Синф ҳамон совуқ ва жимжит эди. Болаларнинг ҳиринг-ҳиринг кулгани, йўталгани эшитилди.

— Гоҳ беҳудадан-беҳудага йўталинг тутади, гоҳ берилган саволни эшитмай қоласан, — деб қўйди норозилик билан Инкамол опа, — совуқдан елкалари қунишиб. — Бор, яхшиси, похол олиб келиб, печкага ўт ёқ.

Султонмурот шайланиб тургандек, дарҳол ишга киришди. Бунақаси дарс пайтида ҳар доим бўлавермайди-да. Навбатчи танаффус пайти похол олиб келиб печка ёқиб қўйишади-ю, аммо дарс вақтида бунақаси камдан-кам бўлади.

У отилиб зинапояга чиқди. Юзига қор аралаш шамол урилди. Эҳ, Цейлон эмас-да бу ер! Ҳовли этагидаги похол сақланадиган омбор томон чопиб кетаётиб, отдан тушиб келаётган колхоз раиси Тиналиевни кўриб қолди. У фронтдан ярадор бўлиб қайтган. Ёш бўлишига қарамай, бир томонга қийшайиб юради. Бир неча қовурғаси йўқмиш. Парашютдан ташлайдиган десантчилардан экан. Урушгача агроном бўлган. Аммо Султонмурот буни эслолмайди. Урушдан олдинги ҳамма нарса энди бошқа бир дунёдек бўлганлигига ишонмайсан ҳам...

Султонмурот бир қучоқ похол кўтариб, эшикни оёғи билан туртиб очганча синфга кириб келди. Болалар бирдан жонланиб, шивир-шивир бошлашди.

— Жим, алаҳсиманглар! — дея талаб этди Инкамол опа. — Султонмурот, сен шовқин кўтармай ўз ишингни бажар.

Печка ичида похол кули учқунлаб турарди. Ўша учқун тепасига бир тутам похол солиб ёқиб юборди. Кейин яна ва яна похол тутамидан ташлади, печка гувиллаб ёниб кетди. Похол ташлаб туришга улгурсанг бўлгани. Синф хонаси яйраб қолди.

У орқасига ўгирилиб қарагиси, кимгадир афтини бужмайтириб кулдиргиси ва ҳар эҳтимолга қарши кимгадир, айниқса орқа партада ўтирган Онатойга мушт ўқталиб пўписа қилгиси келарди. У синфнинг энг каттаси, ўн беш ярим ёшда, уришқоқ, бунинг устига Мирзагулга тегажаклик ҳам қилади. Қани энди унга тилини кўрсатса. Ма, сенга, ма деб. Аммо бундай қилиш мумкин эмас, муаллималари қаттиққўл. Ҳа, уни ортиқча хафа қилишни хоҳламайди. Нимагадир кейинги пайтларда унинг ёлғиз ўғлидан хат йўқ. У, артиллериячи командир. Опа ўғли билан жуда фахрланади. Эри бўлса урушдан олдин қайгадир ғойиб бўлган, қандайдир хунук воқеа содир бўлган. Ҳатто одамлар ҳам бу ҳақда ҳеч нарса гапиришмайди. Шунинг учун ҳам у овулга келиб ўқитувчилик қиляпти-да. Ўғли Жамбулдаги педагогика билим юртида ўқиб юриб, ўша ердан фронтга кетди. Деразадан отлиқ почтальонни кўриши билан Инкамол опа болалардан бировини тўғри дарсдан чиқариб хатга чоптиради. Бола эса югуриб ҳовлига чиқади-ю, агар хат бўлса ўзида йўқ шод қайтади. Ҳатто келгуси сафар муаллиманинг хатига бориш учун навбат ҳам бор.

Хат келган кунлари байрам бўлиб кетади! Инкамол опа турган жойидаёқ хатга тезгина кўз югуртириб чиқиб, қоғоздан бош кўтарганида синфда гўё бошқа муаллима пайдо бўлиб қолгандай бўлади. Тутам-тутам оқ аралаш сочларини рўмоли остига чиройли қилиб бостириб олган муаллиманинг шундай қувончга тўлганида хотиржам туриши мумкин эмас, унинг кўзларида ёш кўринганида юрагинг ачишмаслиги мумкин эмас.

— Ҳаммаларингга салом, болалар, каттакон салом! Оғаларинг соғ-саломат экан. Жанг қиляпти, — дейди у қалтироқ овозини босиб. У ўғли учун суюнаётганини бутун синфдан яширолмасди. Барча унга талпиниб, гўё унинг қувончини баҳам кўраётгандай чеҳраларига табассум ёйилади. Бироқ бир дақиқадан сўнг шундай дейди: — Энди болалар машғулотимизни давом эттирамиз.

Ана шундагина дарсининг энг ажойиб, энг яхши онлари бошланади: унинг сўзлари таъсир кучини оширади, фикрлари фикр туғдиради, у нима ҳақда гапирса, тушунтирса, исбот қилса ҳаммаси ўқувчиларнинг ақлу юрагига жо бўлаверади. Унинг илҳоми жўшади-ю, бутун синф сеҳрлангандек жим ўтиради...

Кейинги кунларда унга нимадир тинчлик бермасди, безовта қиларди... Балки, шунинг учун синфга илмий мудир ҳамроҳлигида колхоз раиси Тиналиев кириб келганда Инкамол опа астагина доска томон чекинди. У болаларга юзланиб истар-истамас деди:

— Ўринларингдан туринглар, болалар. Султонмурот, сен жойингга бор.

Султонмурот печка оғзини бекитиб, дарҳол ўз жойига йўналди. Келганлар саломлашдилар.

— Салом! — дея жавоб берди уларга бутун синф.

Ўртага сергаклантирувчи жимлик чўкди. Ҳатто ҳеч ким йўталмади ҳам.

— Бирор воқеа юз бердими? — дея сўради Инкамол опа бўғилиб.

— Ҳеч қанақа ҳодиса юз бергани йўқ, Инкамол опа, — дея уни дарҳол тинчлантирди Тиналиев. — Мен бошқа иш юзасидан келган эдим. Болаларга гапим бор. Дарс пайтида кирганим учун кечиринг, ижозат берган эдилар, деди у кекса илмий мудир томонга ишора қиларкан.

— Ҳа, муҳим гап бор, — деб таъкидлади илмий мудир ҳам. Ўтиринглар, болалар.

Синф дув этиб ўтирди.

Тиналиев яқингинада — кузда фронтдан келганидан бери раислик қилаётган бўлсада уни ҳамма биларди, ўзи ҳам бу ерда ўтирганларнинг деярли барчасини танийди. Демак, танишиш учун келмаган. Бўлмаса, нега келади? Еттинчи синф ўқувчилари — бу қишлоқда кўзга кўриниб қолган. Уларнинг ҳар қайсиси билан қишлоқнинг ҳар бир жойида, уйда ҳам, идорада ҳам, йўлда ҳам гаплашиши мумкин. Аммо раиснинг болаларга муҳим гап айтиш учун атайлаб мактабга келиши — биринчи марта эди. Нима демоқчи, қанақа янгилик бор экан? Ёзда бошқа гап эди, ҳаммалари колхозда ишлашади, лекин ҳозир қандай гап бўлиши мумкин?

— Гап бундай, — деб сўз бошлади Тиналиев болаларнинг сергак юзларига диққат билан боқиб. У бир томонга қийшайиб туриши кўзга ташланмаслиги учун қаддини тик тутишга ҳаракат қиларди. — Мактабингиз совуқ, аммо сизларга похолдан бошқа нарса билан ёрдам беришга ожизман. Похол бўлса, ўзларингга маълум, гур этиб ёнади-ю ўчади. Илгарилари мактабни иситишга бериладиган таппини аввал тоғдан орқалаб тушиб, кейин араваларга ортиб келинарди. Ўтган йили бу иш билан шуғулланишга одам ҳам, вақт ҳам бўлмади. Ҳамма фронтда, биласизлар. Мен икки тонна кўмирни яшириб қўйганман. Лекин бу кўмир темирчиларга керак. Кўмирни ҳам, темирни ҳам чайқовчилардан сотиб олдим. Пайти келиб улар билан ҳисоблашармиз. Ҳозир эса шароит оғир. Ўтган йили икки юз гектар ерга кузги буғдой сеполмай қолдик, улгуролмадик. Ҳеч ким айбдор эмас. Уруш... Бироқ ҳамма жойда, ҳамма колхоз-совхозлар бизга ўхшаб ҳосилни вақтида йиғиштиролмаса, уруғликни сепиб улгуролмаса, ишни туғаллай олмаса, унда душманни қандай енгамиз. Уларни енгиш учун нон ҳам, снаряд ҳам керак. Шу туфайли олдингизга келдим, болалар, ораларингиздан баъзи бировларингизга ўқишни вақтинча қўя туришларингизга тўғри келади. Ҳозир дам ғанимат, уловни баҳорги шудгорга тайёрлаш керак, от-уловларимизга эса қараб қўрқиб кетасан — рамақижон. Абзал-жабдуқни шай қилиш керак, улар ҳам тилка-пора бўлиб кетган, плугларни, сеялкаларни ремонт қилиш зарур, бари қор тагида ётибди... Бу гапларни айтаётганимнинг сабаби нима? Кузда эколмай қолган ерларимизга лалми экайлик. Буни қандай бўлмасин, фронтча қилиб айтганда, сўзсиз бажариш керак! Бу эса пландан ташқари, ўз кучимиз билан қўшимча икки юз гектар майдонни ҳайдаб баҳорикор ғалла экиш деган сўз. Икки юз гектар!! Тушуняпсизларми? Аммо, қани ўша куч, кимга суянайлик? Биз яна шундай қилишга қарор бердик: ўзимизда борларидан, баҳорги мавсумга, тайёрланаётганлардан ташқари, қўшимча равишда, икки тишли плугчилар бригадаси тузамиз. Ўйладик, чамалаб кўрдик. Бу ишга хотин-қизларни жўнатолмас эканмиз. Ораси узоқ. Оқсойда. Одам йўқ. Ахири, сиз ўқувчилардан ёрдам сўрашга қарор қилдик...

Баджаҳл ва тунд, армиядан кийиб келган кулранг шинелини ечмай, кулранг қулоқчинда доим дийдираб юрувчи, ташвишдан юзлари жиддий, ҳали ёш бўлишига қарамай, бир томонига қийшайиб қолган, қовурғалари майиб, қачон қараманг елкасига дала сумкасини осиб юрадиган раис Тиналиев ана шундай деди...

Асил РАШИДОВ
таржимаси.

Зиннат ФАТХУЛЛИН

БАХТНИНГ ҲАМ ҚАНОТИ БОР

(ДРАМАДАН ПАРЧА)

Парда очилади. Ҳовлида музика янграйди. Шинамгина безатилган хонада қўлида гул, ёлғиз Ашраф ташқаридаги базмни кузатмоқда.

Ташқарида эса «Яша!», «Камол топ!» деган овозлар, қарсаклар авжига чиқади. Бир оздан кейин қучоғи тўла гул билан Малика кириб келади. Гул ва пулларни хона ўртасидаги хонтахтага ташлай бошлайди.

Малика. Мана пул, мана пул, мана пул!.. Мана шундай қилиб, фирибгарларнинг чўнтагини қоқлаш керак. (Юзини пардоз-андоз қилмоқчи бўлганда Ашрафни кўриб қолади) Ҳа? Сиз мени кутяпсизми?

Ашраф. Биринчидан— салом!

Малика. Салом. Иккинчидан нима демоқчи эдингиз?

Ашраф. Иккинчидан... Нима ҳам дердим... Маҳоратингизга қойилмиз.

Малика — Қўлингиздаги гул ҳам менга бўлса керак?

Ашраф. Ҳа, янглишмадингиз (Гулни Маликага узатади).

Малика. (гулни олиб). Раҳмат. Энди айтаверинг: сиз мени севасизми... Мени кўрмасдан туролмайсиз. Шундайми? Мени кечқурун ресторанга таклиф қилмоқчисиз... Қани, чўзибнетиб нима қиласиз, дардингизни дангал айтиб қўя қолинг. Мен мужмал, латта эркакларни ёмон кўраман. Умуман, эркакларнинг ҳаммаси бир гўр.

Ашраф. Эркакларга таъна қилганларнинг ўзи эркаклардан кўра поккроқ бўлиши керак.

Малика. Оҳ-ҳо! Ҳали шундай денг!

Ашраф. Аввал пичоқни ўзингга ур, оғриқса бировга.

Малика. Менга нима қипти?

Ашраф. Бизга-чи?

Малика. Биз хотин-қизларнинг бошига тушган кулфатларнинг ҳаммасига эркаклар айбдор, эркаклар.

Ашраф. Айбни эркаклар устига қўйиб, ўзлари эса ҳар кўчага кириб, ҳар эшикдан чиқиб...

Малика. Ана шу гапингиз учун ҳам, сиздан, сизга ўхшаган эркаклардан жирканаман, нафратланаман.

Ашраф. Мен ҳам баъзи аёллардан...

Малика. Мендан ҳам-а? Нега бўлмаса мени гул билан кутиб олдингиз?

Ашраф. Бу гул сизга эмас, истеъдодингизга. Овозингизга ҳамманинг ҳаваси келади. Ўйинингиз билан одамларни сеҳрлайсиз, шайдо этасиз... Бироқ афсус, сиз шу юксак санъатингизни тўйларда пулдор, мулкдор шахсларнинг кайфларига газак тариқасида сотиб юрасиз.

Малика. Яшаш учун ҳар ким қўлидан келган ҳунарини ишга солади. Ўғирликдан, номусини сотишдан бошқа ишларнинг ҳаммаси ҳунар. Ҳа, ҳа ҳалол ҳунар. Қизиқ-а! Тўйда ўйин ҳам бўлмасин демоқчимисиз, ашула ҳам. Меҳмонлар азада ўтиргандай ўтирсин-у, минг кишидан қолган паловни еб, қайнамаган чойни ичиб, қорни катта, ўзи латта бўлиб чиқиб кетаверсин...

Ашраф. Гап тўйда эмас, ўзининг талантини тўйларда суиистеъмол қилиб юрган саёқ санъаткор устида...

Шу пайт, ширакайф меҳмонлардан бири кириб келиб, тўғри Маликанинг олдига боради.

Меҳмон. Ҳув Тўй — ҳашам Маликаси!.. Шу ерда экансизу... Кутавериб кўзимиз тўрт бўлди-ку. Кўзидан акаси! (Меҳмон Маликани қучоқлаб ўпмоқчи бўлади. Малика унинг юзига шапалоқ туширади).

Малика. Ота-онамдан бошқа ҳали мени ҳеч ким ўпган эмас. Йўқол.

Меҳмон. Кеч... кеч... кеч... Кечирасиз... шаҳримизнинг нозанин маликаси (ташқарига йўл тополмай зўрға чиқиб кетади)

Ашраф. Қойил.

Малика. Аҳмоқ, бунинг устига тағин маст.

Ашраф. Наҳотки шу ажойиб санъатингиз ўшалардан бошқаларга арзимас экан-а?.. Мен сизга ачинаман, яхши қиз. Жуда ачинаман.

Малика. Ачинишингизга муҳтож эмасман. Илтимос, эшикни нарёқдан ёпиб қўйсангиз. Шамол ўтиб турибди.

Ашраф эшикни яна мустаҳкамроқ ёпиб, Маликанинг юзига келади.

Ашраф. Ҳайдамасангиз ҳам кетаман. Фақат мен сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим.

Малика. Нимани? Жазманликнимми?

Ашраф. Ўз бўйингизга қараб бировга тўн бичманг, яхши қиз!

Малика. Менга дуч келган ҳар бир киши, мен сизни севаман, демасдан кетолмайди. Дуч келиши биланоқ менинг дард тўла қалбимга қараб эмас, ҳуснимга, либосимга қараб гап бошлайди.

Ашраф. Энди нима ҳам қилардингиз. Саёқ юрган, таёқ ер деганлар. Шунинг учун бўлса керак, билмадим, негадир феълингиз жуда айниб турибди. Исонинг аламини Мусодан оляпсиз... Лекин, назаримда сиз ҳар бир кишини фақат ёмон томондан кўришга одатланиб қолгансиз, шундай бахтли қизнинг тўйма-тўй юриб кун кўриши бахтсизлик аломати эмасмикан?

Малика. Янглишасиз! Мен бахтлиман, жуда бахтли қизман.

Ашраф. Тўғри. Янглишишим ҳам мумкин. Одамнинг қўйнига қўл солиш мумкин, аммо дилига-чи?... Дилининг кати-тилда. Сиз дабдабали сўзлар билан сирни бой бермасликка уриняпсиз. Бироқ касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, дейдилар. Очиғини айтсам, сиз ҳозир ёлғизсиз. Агар, биронта яхши одамга аввалроқ учраганингизда эди, у сизни аллақачонлар бу гирдобдан қутқазган бўларди.

Малика. Бунақа «яхши» одамларингизни мен фақат романларда ўқиганман.

Ашраф. Лекин, бари бир, бориб-бориб икки оғиз илиқ сўзнинг гадойи бўлиб қоласиз, яхши қиз.

Малика. Мен сизга ўхшаган «доно» насиҳатгўйларни кўп кўрганман.

Ашраф. Кўргансиз-у, фарқига бормагансиз. Инсон инсонга оғзи қон бўри эмас.

Малика. Айёр тулки.

Ашраф. Йўқ. Кўнгил боғининг посбони инсон. У меҳрибон, ҳамдард, ҳамнафас.

Малика уйга чўмади. Саҳнада жимлик ҳукмрон. Кейин бирдан гап очади.

Малика. Ажабо! Биринчи марта шундай одамга дуч келдим-а. У мени бошқаларга ўхшаб, энг бахтли қиз экансиз демади. У, ўзининг ғалати сўзлари билан қалбимнинг энг нозик торларига тегди. (Ашрафга ялт этиб қараб) Топдингиз яхши йигит, топдингиз. Мен жуда бахтсиз қизман (Йиғлаб юборади).

Ашраф. Узр...

Малика. Энди сира йиғламайман, деб ўзимга ўзим сўз берган эдим. Сўзимда туролмадим. На чора... Ҳа, сиз мендан бир нарсани сўрамоқчи эдингиз. Биламан... айтаман. Энди ҳаммасини айтиб бераман. Ҳаммасини!!!

Чироқ ўчади.

Исмат
САНАЕВ

Тол

**Толни йиқитдилар шохларин чопиб,
Кўкариб, барг ёзиб, қад тутди яна.
Тубидан кесдилар бағрини ёқиб,
Баргин балдоқ қилиб кўкарди яна.
Ерга қозиқ қилиб қоқдилар уни,
Яшамоқ қасдида бош кўтарди тол.
Баргини қанотдек ёзгани куни,
Мурғак япроғини юлқиди шамол.
Охир ном қўйдилар «Тол!» деб, толмади,
На болта, на шамол йиқитолмади.**

СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Р. ДАМИНОВ: Турар жой нормаси қандай белгиланиши ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Халқ депутатлари маҳаллий Советларига қарашли уйлардаги, шунингдек, давлат, кооператив ва жамоат ташкилотларига қарашли уйлардаги турар жойларни ижарага олувчилар учун вақтинча чора сифатида ҳар бир кишига тўққиз квадрат метрдан иборат турар жой майдони нормаси сақланади.

Ижарага олувчиларнинг айрим категориялари учун қўшимча турар жой майдони нормаси белгиланади. Қўшимча турар жой майдонининг ҳажми, уни бериш шартлари ва тартиби Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорлари билан белгиланади.

⁂

Ж. ХАЛИЛОВ: Айтингчи, кашфиёт автори қандай ҳуқуқларга эга?

Жавоб: Кашфиёт автори ўз кашфи учун СССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланадиган кашфиётлар, ихтиролар ва рационализатор л и к таклифлари тўғрисидаги Низомда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда автор сифатида дипломлар билан тақдирланишга, ва шу соҳада биринчи кашфиётчи сифатида танилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Кашфиёт автори дипломни олиш вақтида ўзига тўланадиган мукофотни, шунингдек кашфиётлар, ихтиролар ва рационализаторлик таклифлари тўғрисидаги Низомда назарда тутилган имтиёзларни олиш ҳуқуқига эгадир.

⁂

Э. ЮНУСОВ: Агарда насияга олинган товарнинг нархи ошса, сотиб олинган нарса қайта ҳисобланадими?

Жавоб: Ўзбекистон ССРнинг қонунлари билан белгиланган ҳолларда ва тартибда узоқ муддат мобайнида фойдаланиладиган товарлар чакана савдо корхоналари томонидан гражданларга насияга (пулини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан) сотилиши мумкин. Насияга сотилган товарлар сотилиш кунида амалда бўлган баҳолар бўйича сотилади. Насияга сотилган товарлар баҳосининг кейинчалик ўзгариши қайта ҳисоб қилинишига сабаб бўлмайди.

⁂

Т. ТОЛИПОВ: Тошкентда қадимда ўн иккита дарвоза бўлган дейишади. Мен шу дарвозаларнинг номини билмоқчи эдим.

Жавоб: Ўтган асрда Россияга қўшилиш арафасида Тошкент маъмурий жиҳатдан тўрт қисмга — Бешёғоч, Кўкча, Шайхонтоҳур, Себзор даҳаларига бўлинган. Шаҳарга бек ҳокимлик қилган. Тўрт даҳанинг ҳар бирини мингбоши, маҳаллаларни избошилар бошқарган. Шаҳарнинг атрофи қалин девор билан ўралган бўлиб, унинг Бешёғоч, Кўкча, Лабзак, Қорасарой, Сағбон, Тахтапул, Чиғатой, Қашқар, Қўқон, Камолон, Қайчак ва Самарқанд дарвозалари бўлган. Бу деворнинг узунлиги 12 километрни ташкил этган.

⁂

Л. ДАДАХОНОВ: Мен квартирамни ремонт қилдирмоқчи эдим. Шаҳримизда бу ишни амалга ошириш билан шуғулланадиган ташкилот борми?

Жавоб: Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига қарашли уй-жой бошқармасининг ихтисослаштирилган 1-қурилиш бошқармаси аҳолининг маблағи ҳисобига квартираларни сувашт, бўяш, деворларни қошин плиталари билан қоплаш, санитария техникаси жиҳозларини ўрнатиш каби ишларни бажариб беради. Бундай ишлар буюртмачи ёки қурилиш бошқармасининг материали бўйича адо этилади. Қурилиш бошқармаси 1-Пушкин проездига жойлашган. У ерга 33-06-22 номерли телефон бўйича ҳам мурожаат этиш мумкин.

Сирбой МАВЛЕНОВ

ДАЛА ЙЎЛИДА

**Ёлғиз юриб толиқсанг,
Еллиб қўяр ел сени.
Жар, тошларга йўлиқсанг,
Кўтаради ул сени.
Ғашлигингни қувади,
Офтоб тегиб елкангга.
Булоқ дардинг ювади,**

**Чўмилтириб кўкламга.
Сен хаёл сурма бекор,
Отингга қамчи босгин!
Адашсанг, ана, тоғ бор,
Кўнглингга бергай таскин.
Мард нимадан қўрқади! —
Кутиб турса сарвиноз.**

**...Йўл танобин тортади
Елғизгина чавандоз.**

Уй суради, дилида:

**На қувонч-у, на-да ғам...
У ошса бас Кўкбелдан,
Яқин қолар манзил ҳам...**

* * *

**Бу дунёда
Қонга ботган
Қизил қорни ҳам кўрдим.
Ерга етмай
Армонда кетган
Юлдузларни ҳам кўрдим...
Чопдим,
Чопдим қоним оқиб,
Майдонлардан майдонга.
Ва лекин қуламадим
Еру кўк айланганда!**

* * *

**Мен умрнинг қадрин, дўстлар,
Қирқдан ошиб билгандайман.
Чин севгининг қадрин, дўстлар,
Юртдан ошиб билгандайман.
Севги деган сеҳрий сўзни
Қалбда бугун туйгандайман.
Паривашни, Қора кўзни
Энди-энди суйгандайман...**

* * *

**Ҳар оқиннинг сўзи бошқа, куйи
бошқа,
Ҳам тақдирдан оладиган сийи
бошқа.
Мамлакатда энг зўр оқин мен
демасман,
Қўй, сен мени қиёслама Илёсга!
Ўлан билан ошно бўлдим бир
умрга,
Кўрган-билган гапларимни айтмай
нега!
Мен шеър айтиб, давраларда
мақтанмадим,
Қўй, сен мени қиёслама Есенинга!
Ҳар ким бахтли ўз қалбининг
баётиман,
Иш кўраман учқур вақтнинг
соатиман.
Қўй, сен мени қиёслама ҳеч
кимсага,
Мен учгайман— Бойқўнғирнинг
қанотиман.**

Қозоқ тилидан

А. ПУЛҚАНОВ таржимаси.

● ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

Магнит даволайди

Латвиялик олимлар электромагнитнинг қоннинг ивишига таъсири усулларини ишлаб чиқдилар. Бу республика нейрохирургия марказида магнитобиологияга доир ўтказилаётган тадқиқотларнинг амалий натижасидир.

Латвия ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг бош нейрохирурги, медицина фанлари доктори Р. П. Кикут бундай деди:

— Электромагнитлар организмга муҳим биологик таъсир кўрсатишга қодир. Қонда маълум мақсадда йўналтирилган доимий магнит майдонини вужудга келтирувчи биохимик силжишларни экспериментал йўл билан очиш мумкин бўлди. У қон томирда тромблар ҳосил бўлишига тўсқинлик қилувчи дори — антикоагулянт ролини ўйнаши мумкинлиги исбот қилинди. Электромагнитлар қон томирларни протез қилишда, артерияларнинг жароҳатланиши билан боғлиқ операцияларда қоннинг қуюқланишига йўл қўймасликда нейрохирургларга ёрдам беради.

Магнит майдонларнинг параментларини ўзгартириб, муайян жойларда атайин тромлар вужудга келтириш мумкин. Бош миянинг юпқалашиб, буришиб қолган қон томир деворлари шу тахлитда «пломбаланади». Шикастланган участкага ёпишувчи сунъий тромба зарралари уни пухта маҳкамлайди ва бузилишдан сақлайди. Республикада бир қанча шундай қонсиз операциялар қилинди.

**С. ШПУНГИН,
ТАСС мухбири.
Рига.**

Тошкент алоқа электротехника институти мамлакатимиз халқ хўжалиги учун кўплаб малакали кадрлар етиштириб бермоқда.

СУРАТДА: автомат электр алоқаси факультети ўқитувчиси Х. Қодирхўжаева бир группа студентлар билан лаборатория машғулотларини ўтказмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

Ҳамшаҳарларимиз хизматида

РАНГЛИ СУРАТГА ТУШСАНГИЗ

Агар эсдалик учун оила аъзоларингиз билан бирга рангли суратга тушиш орзусида бўлсангиз, шаҳримиздаги «Фотореклама» комбинати ательеларининг усталари хизматингизда бўлишади. Фотоательелар замонавий техника билан жиҳозланган бўлиб, бу ерда барча қулайликлар муҳайё этилган. Мана, уларнинг адреслари: «Тошкент» фотостудияси шаҳримизнинг Луначарское шоссесидаги 105-уйда жойлашган; «Ўзбекистон» фотостудияси эса Полторацкий кўчасидаги 34-уйда жойлашган. «Объектив» фотостудиясида суратга тушмоқчи бўлсангиз, унинг «Чилонзор» савдо марказида жойлашганлигини эсдан чиқарманг. Бундан ташқари Фарҳод ярмаркасидаги 25, Сергели районининг «Спутник» массивидаги маиший хизмат кўрсатиш уйида жойлашган 4-фотосалонда ҳам рангли суратга тушиш мумкин.

Уй-рўзғор ташвишида

Унни қандай сақлаш керак?

Маълумки, узоқроқ туриб қолган унларда майда қора қўнғизлар, ун капалаги ва шу каби ҳашаротлар бўлади.

Ун қўнғизи тез кўпаяди ва йил давомида 10—12 авлод ҳосил қилади, бу давр мобайнида ўзидан ажратиб чиқарадиган моддалар билан унни ҳам бузади. Агар ун ҳарорати 18—25 даража иссиқ бўлган, нам ҳаволи, шамоллатиб турилмайдиган ва ёруғ кам тушадиган жойда сақланса, ундаги бу ҳашаротларнинг кўпайиши кескин тус олади.

Ун бузилиб қолмаслиги учун, аввало ёруғ [illegible] қуруқ жойда, [illegible] шиша банкаларда [illegible] билан унни офтобда ёйиб, қуритиб туриш керак.

Мабодо унда майда қора қўнғизлар пайдо бўлган бўлса, уни озиқ-овқатга ишлатса бўлаверадими? Агар бундай қўнғизчалар камроқ бўлса, унни майда элакдан элаб, [illegible]. Иккинчи марта шундай [illegible] унни ишлатса бўлади.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

Ҳафталик программа

25 ФЕВРАЛЬ—ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Гаяна бўйлаб». Ҳужжатли фильм. Миллий байрам — Республика кунининг 10 йиллигига. 15.40 «Онамларнинг мактаби». Кўрсатувни медицина фанлари доктори, профессор Н. А. Тюрин олиб боради. 16.10 Д. Скарлатти соналарини Г. Тальрозе ижро этади (фортепьяно). Ленинграддан олиб кўрсатилади. 16.30 «Сизга манзур шеърлар».

17.00 «Телестадион». 17.30 «Чехословакия бўйлаб». Кинопрограмма. 18.00 «Қалбга яқин қўшиқлар». 18.45 «Беш йиллик. Якунловчи йил». Омск. «Восток» ип-газлама бирлашмасининг проблемалари ҳақида. 19.15 «Расмларда қуёш акси бор». 19.30 «XIII қишки Олимпия ўйинларида». Хоккей. Финал группаси қатнашчиларининг матчи. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.00 «XIII қишки Олимпия ўйинларида». Хоккей. Финал группаси қатнашчиларининг матчи. Матч тугагач (24.00) — «Дунё воқеалари». Информацион кўрсатув.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Пионер дружиналари Бутуниттифоқ маршида». 18.50 Совет Армияси жангчилари учун. «Ватан посбонлари» (рус.). 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Ўлкамизни боғ-роғларга айлантирайлик». 20.00 «Старт олдидан интервью. Тошкентда футбол бўйича X халқаро ўсмирлар турнирининг очилиши олдидан. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.55 Ҳасан Ражабов куйлайди. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.00 «Қора шаҳзода». Бадиий фильм. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Биз ишчи бўламиз». 20.55 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика.

26 ФЕВРАЛЬ—СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 «Асли болаликдан». С. Аксаков. «Багров набирасининг болалик йиллари». 10.45 «Киносаёҳатчилар клуби». Кўрсатувни Ю. А. Сенкевич олиб боради. 11.45 «Ленинград булбуллари». Фильм-концерт. (Ленинград). Кўрсатув тугагач (12.30) Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб». Кинопрограмма: «Эстафета». (Владивосток). «Капитанлик вахтаси» (Красноярск). 16.15 «Рус тили». 16.45 РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби А. Сурков чалади (баян). 17.10 «Ешлар адреслари». 18.10 «Энг чеккадаги уй» фильмидан кейинги учрашув». 19.00 «Дунё воқеалари». 19.15 «Фан оламида». 19.45 «XIII қишки Олимпия ўйинларида». Фигурачиларнинг кўргазмали чиқишлари. Қишки Олимпия ўйинларининг тантанали ёпилиши. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 Чехословакия фашист босқинчиларидан озод қилинганлигининг 35 йиллигига бағишланган СССРда Чехословакия Социалистик Республикаси маданияти кунларининг очилиши. Кремль Съездлар саройидан концерт олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.05) — «Дунё воқеалари». Информацион кўрсатув.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I.

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Ватанимни севаман». М. Ю. Лермонтов лирикаси. Адабиётдан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги олдидан. «Ленин қадамжолари бўйлаб». 12.20 «Озодлик солдатлари. Бадиий фильм. 2-фильм. 15.55 Кўрсатувлар программаси. 16.00 Футбол бўйича X халқаро ўсмирлар турнирининг тантанали очилиши. СССР—1—ГДР. «Пахтакор». Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. 18.00 Мультфильм. 18.15 «Сўз кетидан сўз келар». Мактабгача ёшдаги болаларни рус тилида сўзлашишга ўргатиш. (такрорий). 19.10 «Миллионлар ленинча университети». «Ленинизм— давримизнинг революцион байроғи». 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Прага билан учрашув». Ҳужжатли фильм. («Ўзбектелефильм»). 20.00 «Шеърият дафтаридан». А. Орипов. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 А. Навоий номли Давлат академик Катта театрининг солисти Ж. Назруллаев концерти. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Чорвачилик: тажриба ва муаммолар». 22.20 «Романтика» телевизион театри. Нозим Ҳикмат. «Ажал шамшири». 1-қисм. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. «Жиноят ҳуқуқи» (рус.). 20.55 Реклама. 21.15 Абитуриентлар учун. Физика. 22.15 Экранда — кинокомедия. «Дўппи кийган фаришта».

27 ФЕВРАЛЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 «Мактаб ўқувчиларига музика тўғрисида». 10.35 «Тонг эрафасида». Бадиий фильм. («Грузияфильм»). 1972 йил. 11.40 «Лучница» ашула ва рақс ансамблининг концерти (ЧССР). Концерт тугагач. (12.15) — Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Инсон ерда». Кинопрограмма. 16.15 «Горнчилар, қаердасиз!». 16.45 «Сенинг ленинча кутубхонанг». «Партия ташкилоти ва партия адабиёти». 17.15 «Халқ ижодиёти». Телевизион кўрсатув.

18.00 «Қутбга йўл». Мактаб ўқувчиларининг «Комсомольская правда» газетаси ўтказган «Шимолий қутб» экспедицияси иштирокчилари билан учрашув. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Л. Бетховен. «Кориолан» увертюраси. 19.40 В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига. «Ленин ҳақида ҳикоялар». Бадиий фильм. «Мосфильм». 1957 й. 21.30 «Время» информацион программаси. 23.05 «Нима! Қаерда? Қачон?» Телевизион викторина. 23.10 «Дунё воқеалари». 23.25 «Жаҳон халқларининг ижоди».

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Еруғликнинг квант назарияси». Физикадан ўқув кўрсатуви. 12.00 «Ижод саҳифалари». М. Исаковский. 12.30 «Еруғликнинг квант назарияси». Физикадан ўқув кўрсатуви (рус.). 13.00 «Озодлик солдатлари». Бадиий фильм. 3-фильм. 14.35 Футбол бўйича X халқаро ўсмирлар турнири. ЎзССР— Чехословакия. 2-тайм. Репортаж (ёзиб олинган).

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Мультфильм. 18.30 «Ўсмир ва қонун». 19.00 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.15 «Комплекс механизация — пахтачиликнинг бош йўналиши». 19.30 Футбол бўйича X халқаро ўсмирлар турнири. СССР—I— Венгрия. 2-тайм. Репортаж (ёзиб олинган). 20.10 «Ахборот» информацион программаси. 20.30 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевидениеларининг биргаликдаги программаси. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Романтика» телевизион театри. Нозим Ҳикмат. «Ажал шамшири» 2-қисм. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. «Жиноят ҳуқуқи». 20.35 Янгиликлар. 20.55 «Зарбдор меҳнатимиз — беш йилликнинг якунловчи йилига». 21.25 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 22.25 Ўзбек совет шоирларининг шеърлари. Ўзбекистон ССР халқ артисти Е. Аҳмедов ўқийди.

28 ФЕВРАЛЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 «Горнчилар, қаердасиз!». 10.35 «Ленин ҳақида ҳикоялар». Бадиий филм («Мосфильм»). 1957 й. 12.25 Б. Сметананинг «Менинг Ватаним» туркуми симфоник поэмаларини Чехословакия радиосининг симфоник оркестри ижро этади. Дирижёр — Я. Кромгольц. Кўрсатув тугагач (13.05)— Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси: «Оловли рейслар». («Экран»). 16.15 «Шахмат мактаби». «Оқ руҳ». Кўрсатувни халқаро мастер Л. С. Белавенец олиб боради. 16.45 «Ярослав Гашек». Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 17.30 «Миллионлар ленинча университети». «Мактаб. Коммунистик тарбия проблемалари». 18.00 «Донра оҳанглари». Ўзбекистон ССР Давлат «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли ижро этади. 18.30 «Биз БАМни қуряпмиз». 19.00 «Дунё воқеалари». 19.15 «Шундай кун келади». Телевизион бадиий фильм премьераси 1 ва 2-сериялар. Давлат телерадиосининг буюртмасига биноан «Молдовафильм», 1979 йил. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Кинотомошабин ҳамроҳи». 22.30 «Дунё воқеалари». 22.45 «Музыкальная жизнь» телевизион журнали.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I.

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.35 Болалар учун. «Уйлаб топ» (рус.). 12.00 «Озодлик солдатлари». Бадиий фильм 4-фильм. 13.45 В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бағишланган Ўзбекистон пионерларининг йўқламаси (такрорий).

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Мультфильм. 18.35 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Касбим-фахрим». 19.00 «Турмуш ва маданият». 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Халқ контроли экрани» (рус.). 20.15 «Ҳамзаобод». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм»). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Раққоса хиром этганда». Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. ЙУЛДОШЕВА. Музикали кўрсатув (такрорий). 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.20 «Актёрлар ва роллар». Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Л. Грязнова (рус.). 23.40 Кўрсатувлар программаси.

II.

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Китоб — бизнинг дўстимиз» (рус). 20.55 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика. 21.55 «Қонун қўриқчилари» (рус). 22.25 Эстетика асослари. «Санъат турлари. Кино».

29 ФЕВРАЛЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 «Ўсмирлар ижоди». Минскдан олиб кўрсатилади. 10.35 «Шундай кун келади». Телевизион бадиий фильм 1. ва 2-сериялар. Фильм тугагач (12.50)— Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 Ҳужжатли фильмлар программаси: «Магнитогорск — мамлакатнинг фахри» (Ҳужжатли фильмлар марказий студияси). «Назоратчилар нега керак!». «Беларусьфильм»). «Ҳар бир қадам ҳам» («Киевнаучфильм»), «Ютуқ омиллари» (Свердлов киностудияси). 16.25 «Адабий ўқиш». О. Уайльд. «Садоқатли дўст». РСФСР халқ артисти Н. Подгорний ўқийди. 16.55 «Опералардан арияларни халқаро конкурслар лауреати М. Кит ижро этади». Пермдан олиб кўрсатилади. 17.25 «Подмосковье учрашувлари». 17.55 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Ўлмас Кашчей». Бадиий фильм. («Союздетфильм»). 1944 й. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.35 «Жасорат». 20.10 «Ўн тўртлар учун стол». Телевизион бадиий фильм премьераси (ЧССР). 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 Останкино концерт студиясида Ленин ва Давлат мукофотларининг лауреати, СССР халқ артисти Г. Товстаногов билан учрашув. 23.45 «Дунё воқеалари». 24.00 Чехословакия эстрадаси артистларининг концерти.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I.

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Л. Н. Толстой. «Зиёфатдан сўнг». Адабиётдан ўқув кўрсатуви. (рус.). 12.00 «Икки аттестат». Телефильм. 12.30 «М. Шолохов». Ижодига обзор». Адабиётдан ўқув кўрсатуви (рус.).

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Мультфильм. 18.45 «Инсон болаликдан бошланади» (рус.). 19.45 «Пахтанинг истиқболли навларига кенг йўл». 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 Футбол бўйича X халқаро ўсмирлар турнири. ЎзССР—Финляндия. 2-тайм. Репортаж (ёзиб олинган). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Карнай овози». Фильм концерт («Ўзбектелефильм»). 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Оламда нима гап?». Халқаро воқеалар шарҳи. 22.35 В. Железняков. «Капалаклар ўйини». Ўзбек Давлат «Еш Гвардия» театрининг спектакли. 00.20 Кўрсатувлар программаси.

II.

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Эстетика асослари. Адабиёт» (рус.). 21.05 Ўқитувчилар учун консультация. 21.35 Абитуриентлар учун. Математика. 22.35 Чехословакия фашист босқинчиларидан озод этилганлигининг 35 йиллигига. «Май юлдузлари». Бадиий фильм (рус.).

1 МАРТ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.40 «АБВГДейка». 10.10 «Ота-оналар, Сизлар учун». 10.40 П. Вирский номли Украина ССР Давлат академик хизмат кўрсатган рақс ансамблининг концерти. 11.20 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 11.50 «Сизни қизиқтирган китоблар». 12.35 «Спортлото» тиражи. 12.50 «Сиз бунга қодирсиз» Ихтирочилар конкурси. 13.45 «Олимпиада-80». 14.10 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». М. Сарьян. 15.05 «Дунё воқеалари». 15.20 Болалар учун. «Катянинг ҳайвонот боғи». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (ЧССР). 16.20 «Инсон, Ер, Коинот». Кўрсатувда СССР Фанлар Академиясининг мухбир-аъзоси Г. И. Петров. Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, СССР космонавт-учувчилари В. В. Коваленок, А. С. Иваченков иштирок этадилар. Кўрсатувни икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, космонавт-учувчи В. И. Севастьянов олиб боради. 17.05 «Адресимиз — Совет Иттифоқи». Бошқирдистон АССР бадиий коллективлари иштирокида программа. Уфадан олиб кўрсатилади.

17.45 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». Кўрсатувни профессор С. П. Капица олиб боради. 18.45 Мультфильмлар программаси: «Рангли сут». «Гришканинг китобчалари». 19.05 «9-студия». Кўрсатувда СССР Фанлар Академияси АҚШ ва Канада институтининг директори академик Г. А. Арбатов, КПСС Марказий Комитети халқаро ахборот бўлими мудирининг биринчи ўринбосари В. М. Фалин иштирок этади. Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. С. Зорин олиб боради. 20.05 «Шервут ўрмонилик рассом». Телевизион спектакль премьераси. Автор — Л. Филатов. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Кинопанорама». Кўрсатувни РСФСР халқ артисти, кинорежиссёр Э. Рязанов олиб боради. 23.35 Конькида югуриш спорти бўйича жаҳон чемпионати. Эркаклар. 5000 метр. Нидерландиядан олиб кўрсатилади. Кўрсатув тугагач (00.05)— Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I.

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Юмор» телевизион театри А. Эгамов «Кампирга совчи келди». 11.10 «Ўзбекистон балети ҳақида (такрорий). 12.10 В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги олдидан. «В. И. Ленин — дунёда биринчи социалистик давлат асосчиси». В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалидан репортаж. 12.35 «Мактабгача ёшдаги бола ва мактаб» (рус). 13.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор». 14.05 «Кинопублицист экрани». (рус.). 14.55 «Инсон ва қонун». 15.25 «Ўзбекистон Олимпия йилида» Спорт программаси.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Юлдузча». Болалар учун киноальманах. 19.00 Болалар учун концерт. 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 И. Исоқов, Қ. Юсупов, М. Орипов ижросида ўзбек халқ қўшиқлари. 21.30 Москва. «Время» инфомацион программаси. 22.05 «Республика чорвадорларининг муҳим вазифалари». 22.20 Телевидение экранида биринчи марта. «Осмондаги турна». Бадиий фильм. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор». 18.20 «Новости» информацион программаси. (рус.). 18.35 Ешлар учун программа. 19.05 Москва. 9-студия. Кўрсатувда СССР Фанлар академияси АҚШ ва Канада институтининг директори академик Г. А. Арбатов, КПСС Марказий Комитети халқаро ахборот бўлими мудирининг биринчи ўринбосари В. М. Фалин иштирок этади. Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. С. Зорин олиб боради. 20.05 «Баҳор ташвишлари». 20.25 «Ахбор» информацион программаси. 20.45 Концерт. 21.30 Душанба кўрсатувларининг охири.

2 МАРТ— ЯКШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.40 «Зарядкага сафланинг!». 10.00 «Будильник». 10.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.30 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. Кўрсатувни врач Ю. В. Белянчикова олиб боради. 12.15 «Тонгги почта». Музикали программа. 12.40 «Евгений Баратинский». Илмий-оммабоп фильм. («Леннаучфильм»). 13.00 «Қишлоқ янгиликлари». 14.00 «Музикали киоск». Кўрсатувни Э. Беляева олиб боради. 14.30 «Мангу даъват». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 8-серия. Давлат телерадиосининг буюртмасига биноан, «Мосфильм», 1977 й. 15.40 «Ҳаётга йўлланма» туркумидан телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Вильнюс) 1-медицина институти оператив хирургия кафедрасининг мудири. СССР медицина фанлари академиясининг академиги В. В. Ковановнинг кириш сўзи билан бошланади. 16.25 Совет қўшиқларидан концерт. 16.45 «Киносаёҳатчилар клуби». Кўрсатувни Ю. А. Сенкевич олиб боради. 17.45 «Хатларингиз асосида». Музикали программа. 18.30 «Халқаро панорама». 19.15 Мультфильм (ЧССР). 19.45 «Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан». 20.00 Останкино концерт студиясида юмор кечаси. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 Катта симфоник оркестр билан бир соат. Прагадаги гастроллар. 22.55 «Олимпиаданинг катта таблоси». Ҳужжатли фильм премьераси. («Центрнаучфильм»). Кўрсатув тугагач (00.15)— Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Шодлик ва бахт қўшиқлари». Лирик концерт (такрорий). 10.50 «Партиянинг содиқ фарзанди». Усмон Юсупов туғилган куннинг 80 йиллиги олдидан. 11.05 «Фалокат сирлари». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли. 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 13.00 Киноленинномa. «Ленин Швейцарияда». Бадиий фильм. (рус.). 14.30 «Бу сирли олам». Илмий-оммабоп программа. 15.05 «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун (рус.). 15.40 Реклама.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ болалар ва ўсмирлар музика ҳафталиги. Свердлов номли концерт залидан трансляция пайтида ёзиб олинган. 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Косонсой» дорбозлари» Ўзбекистон халқ циркининг лауреатларига бағишланган кўрсатув. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Чорвадорлар учун концерт. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Назм ва наво». А. Навоий лирикаси. 23.25 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевидениесининг программаси

17.00 Кўрсатувлар программаси. 17.05 Экран — болаларга. 18.05 Спорт фильмлари программаси. 18.40 «Ешлар дуэти». Фильм-концерт. 19.10 «Ўз шаҳрингизни севинг». 20.10 «Табассум». Телефильм 20.30 «Шеърият кечаси». 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 Жумгал райони бадиий ҳаваскорлар коллективларининг концерти. Концерт тугагач — кўрсатувлар охири.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

27 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ
ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА
МОСКВА КАТТА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ
ГАСТРОЛЛАРИ

ПРОГРАММАДА:
«ШЕРЛАР ОРАСИДА»
(Бербер шерлари)
ЙИРИК СОВЕТ АТТРАКЦИОНИ

Ургатувчи— цирк санъатининг Бутуниттифоқ кўриги лауреати ва Бутуниттифоқ конкурсининг дипломанти Борис БИРЮКОВ.

РСФСРда ва Шимолий Осетия АССРда хизмат кўрсатган артист Эрбек КАНТЕМИРОВ раҳбарлигидаги «АЛИБЕК»

ОСЕТИЯ ЙИГИТЛАРИ АТТРАКЦИОНИ

ПАУЗАЛАРДА — янги репризлар, масхарабозликлар, интермедияларнинг ижрочиси, масхарабоз-Мим, Арманистон ССРда хизмат кўрсатган артист Вилен МЕЛИКЖАНЯНнинг чиқишлари.

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

44-35-84, 44-35-91 телефон номерлари бўйича коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Ўзбек давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

26, 27 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.00 ДА

БУТУНИТТИФОҚ ПРОФЕССИОНАЛ
КОЛЛЕКТИВЛАР КЎРИГИ-КОНКУРСИНИНГ
ЛАУРЕАТИ
УЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС
«ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
Дилбар ФАЁЗОВА

Солистлар: Ортиқ ОТАЖОНОВ, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Дилором ҚАЮМОВА, Ҳавасхон ҲОЖИЕВА, Бахтиёр ХОЛХУЖАЕВ, Райҳон АБДУЛЛАЕВА, Нарзиддин ШЕРМАТОВ.

УЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари — Қодир МЎМИНОВ.

Музика раҳбари— Исматулла РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан, шанба ва якшанба кунлари соат 10.00 дан сотилади.

ЯНА МАГАЗИНГА

ҲУРМАТЛИ УЙ
БЕКАЛАРИ!

Уйингизда бўш шиша, банка ва баллонларнинг йиғилиб қолишига йўл қўйманг. Уларни магазинларга топширинг!

БЎШ ШИША ИДИШЛАР
САНОАТИМИЗ УЧУН
ЗАРУРДИР.

ЧИЛОНЗОР РАЙПИШЧЕТОРГИНИНГ
ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ
АҲОЛИДАН

ҲАР ХИЛ ҲАЖМДАГИ
БЎШ ШИША
ИДИШЛАРНИ
ЧЕКЛАНМАГАН
МИҚДОРДА
сотиб олади

МАГАЗИНЛАР
АДРЕСИ:

3 — Домбробод кўчаси, 89-уй;
12—Муқимий кўчаси, 4-квартал, 21-уй;
13 — Волгоград кўчаси, «Навбаҳор» магазини;
14—Чилонзор массиви, 20-квартал, 24-уй;
18— Чилонзор массиви, 7-квартал, 44-уй;
21— Чилонзор массиви, 19-квартал, 28-уй.



ЧИЛОНЗОР РАЙПИШЧЕТОРГИ.
«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР
ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

«ҚАРЗГА ТЕЛЕГРАММА ОЛИНГ»

НОМЛИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ
КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНЛАРИДА
НАМОЙИШ ҚИЛАДИ

Сценарий муаллифи — АНАТОЛИЙ УСОВ.
Постановкачи-режиссёр — ЛЕОНИД НЕЧАЕВ.

Фильм муаллифлари томошабинга ёшлар ички дунёсининг шаклланишини, жиддий ҳаёт таассуротлари таъсирида улар руҳиятининг маълум бир изга тушишини кўрсатиб берадилар.

РОЛЛАРДА: Андрей ТИХОНЧИК, Татьяна ПЕЛЬТЦЕР, Анастасия ВОЗНЕСЕНСКАЯ, Олег АНОФРИЕВ, Андрей МЯГКОВлар қатнашадилар.

«БЕЛОРУСЬФИЛМЬ» киностудияси маҳсулоти.

Тошкент шаҳар кинофильмлар прокати контораси
«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА 26/II да **Флория Тоска.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/II да **Келинлар қўзғолони.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА— 25/II да **Кулги кечаси.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/II да **Отилмаган ўқ,** 26/II да **Ишқ қурбонлари.**

КИНО

25 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ҲАЁТГА ҚАЙТИШГА ЁРДАМ БЕРАМИЗ»— **Қозоғистон.**

«ПЛАНЕТАНИНГ КЕЛАЖАГИ»— **Фестиваль.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СИБИРНОМА» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (18, 21.00, жавоб берувчи автомат 78-47-25), **Искра** (17, 20.00, телефон 39-11-76, 1— 2-сериялар), **Лисунов номли** (17, 20.00, 1—2-сериялар), **Қозоғистон** (17, 20.00, 1— 2-сериялар, жавоб берувчи автомат 35-24-92).

«СЕНГА ШАҲАР ҲАДЯ ЭТАМАН» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда), **Чайка** (жуфт соатларда, жавоб берувчи автомат 77-06-20), **Восток** (жуфт соатларда, жавоб берувчи автомат 91-14-23).

«ҲИССИЁТНИНГ ҚАЙТИШИ»— **Тинчлик** (тоқ соатларда), **Москва** (тоқ соатларда).

26 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«УЧ, БЕШ, ЕТТИ, ЎН» —**Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«ҲАЁТГА ҚАЙТИШГА ЁРДАМ БЕРАМИЗ»— **Қозоғистон.**

«ПЛАНЕТАНИНГ КЕЛАЖАГИ»— **Фестиваль.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СИБИРНОМА»— **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12, 15, 18, 21.00, жавоб берувчи автомат 78-47-25), **Искра** (17, 20.00, телефон 39-11-76, 1—2-сериялар), **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00, 1—2-сериялар), **Қозоғистон** (11, 14, 17, 20.00, 1—2-сериялар, жавоб берувчи автомат 35-24-92).

«СЕНГА ШАҲАР ҲАДЯ ЭТАМАН»— **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда), **Чайка** (жуфт соатларда, жавоб берувчи автомат 77-06-20), **Восток** (жуфт соатларда, жавоб берувчи автомат 91-14-23).

«ҲИССИЁТНИНГ ҚАЙТИШИ»— **Тинчлик** (тоқ соатларда), **Москва** (тоқ соатларда).

ЧИЗМАЧИЛАРНИ
ТАЙЁРЛАЙДИГАН
10 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ҚАБУЛ
ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

КУРСЛАРГА 8 — 10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 17 ЁШДАН 24 ЁШГАЧА БЎЛГАН ТОШКЕНТЛИК ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ҳар ойда 60 сўмдан стипендия берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Урожайная кўчаси, 67-уй (7, 16, 19-трамвайларнинг, «5-квартал» бекати).

Тошкент область ижроия комитетининг
МЕҲНАТ БЎЙИЧА
БЎЛИМИ
БАҲОРГИ-ЁЗГИ
МАВСУМГА
балиқни қайта ишлаш учун
«ГЛАВКАМЧАТРИБПРОМ»га
ИШЧИЛАРНИ
ТАКЛИФ
ҚИЛАДИ

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ 6 ОЙГА ТУЗИЛАДИ.

Биринчи партия 27 мартда жўнатилади.

Справкалар учун Тошкент областининг шаҳар ва районларидаги меҳнат бўйича органларига, Тошкент шаҳрида эса Привокзальная кўчаси, 30-уйга мурожаат қилинсин.

«СОЮЗЛИФТМОНТАЖ»
ТРЕСТИ ОЛМАОТА
МОНТАЖ БОШҚАРМАСИНИНГ
ЎРТА ОСИЁ МОНТАЖ
УЧАСТКАСИ

18 ёшли йигитлар ва Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларни лифт монтажчилари касбига ўқитиш учун

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 2 ярим йил, сўнгра Тошкент шаҳрида 2 ярим ой практика ўтказилади.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Ҳар ойда 76 сўмдан стипендия берилади.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқиш жойига бориш ва келиш корхона ҳисобидан бўлади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри 97, Чилонзор массиви, 6-квартал, «Союзлифтмонтаж».
Телефонлар: 78-30-79, 78-30-68.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги— 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари—32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот— 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29.70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари— 33-90-50.

25 ФЕВРАЛЬ, 1980 й. Р—13727. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Б—2063. 10